Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

# UZLUKSIZ TA'LIM

ILMIY-USLUBIY JURNAL

2019, № 3

*ДЖУРАЕВ Рисбой*
Бош муҳаррир

## Таҳрир ҳайъати:

*Шерзод ШЕРМАТОВ*
*Баходир СОБИРОВ*
*Рахманкулова НАРГИЗА*
*Бахтиёр ДОНИЁРОВ*
*Собитхон ТУРҒУНОВ*
*Холбой ИБРАГИМОВ*
*Шавкат ҚУРБОНОВ*
*Роҳатой САФАРОВА*
*Ислом ЗОКИРОВ*
*Абдусалом УМАРОВ*
*Одил КУЙСИНОВ*
*Лобар КАРАХАНОВА*

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.
Ўз МААдан 2007 йил 3 январда № 0101-тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналда эълон қилинган мақолалардан иқтибос олинганда «Узлуксиз таълим» журналидан олинганлиги кўрсатилиши лозим.

## Таҳририят манзили:

100027, Тошкент ш.,
Фуркат кўчаси,
174-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 0371-245-92-34

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

## ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

3 ***Ш.А.Абдуллаева***
Узлуксиз таълим таҳсил олувчиларида компетентцияларни диагностика қилиш: хориж тажрибалари билан қиёсий таҳлил

10 ***Б.Б.Маъмуров***
Бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш йўналишлари

15 ***З.Б.Аҳророва***
Узлуксиз таълимда жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни

20 ***Г.П.Исаева***
Узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда ўшувчи касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари

24 ***X.U.Dehqonov***
Kimyo darslarini tashkil etishda zamonaviy yondashuv uzviyligi

29 ***G.R.Akramova***
Uzluksiz ta'lim jarayonida tanqiqiy fikrlovchi shaxsni shakllantirishning psixologik jihatlari

33 ***Ж.Г.Халмуратова***
злуксиз таълимда жараёнида дарс таҳлили ва уларга қуйиладиган педагогик талаблар

38 ***Г.С.Хужаниёзова***
Узлуксиз таълимда математика ва иқтисодий билимлар интеграцияси

43 ***Ҳ.Ҳ.Ҳайдаров***
Уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг «Streetwork» технологик дастури асосида узлуксиз ташкил этиш методикаси

48 ***M.G'.Boratova***
Uzluksiz biologiya ta'limida mustaqil ta'limning o'quvchi-talabalar mustaqil va ijodiy faoliyatini tarkib toptirishdagi roli

53 ***Ю.В.Землина***
Управленческая компетентность руководителя образовательного учреждения в системе непрерывного образования

58 ***Р.Х.Джураев, А.Х.Махмудов, А.Б.Камилова***
Шахматы - как эффективное средство непрерывного образования и развития творческих способностей детей

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

64 ***X.Ibragimov, Sh.B.Xasanova***
Uzluksiz ta'lim tizimi elektron ta'lim resurslari ishlab chiqish va undan foydalanish o'quvchilar kompetentligini shakllantirish omilidir

69 ***S.A.Movlonova, F.A.Alimova***
Uzluksiz ta'lim tizimida virtual tajribalardan foydalanishda o'quvchi-yoshlarning bilish faoliyatini shakllantirish

73 ***Г.Каримова***
Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторингни ташкил этиш

77 ***Л.М.Набиулина***
Вопросы преемственности при обучении компьютерной графике в непрерывной системе образования

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

82 ***G.Jabbarova***
O'quvchi va talabalarga ekologik ta'lim berish imkoniyatlai

85 ***M.M.Parpieva***
Yosh kadrlarni kelajakda o'z ish o'rinlarini topishning asoslari va yo'nalishlari

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

90 ***В.Сатторов, Ш.Мамаражабов***
Мутахассислик фанлари ва ишлаб чиқариш интеграциясизамонавий кадрлар тайёрлашнинг омили сифатида

94 ***Ш.Дж.Усманова***
Ўқувчи-ёшларда ижтимоий интеллект ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари

99 ***Д.И.Ходжакулова***
Узлуксиз таълим тизимида раҳбарлик психологияси

104 ***Н.С.Файзуллаева***
Методы активации восприятия учебного материала в процессе преподавания экономических дисциплин

109 ***С.Пирматов***
Развитие студента на основе личностно-ориентированного обучения - главное направление повышения качества учебно-воспитательного процесса вуза

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАРИДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**Ш.А.АБДУЛЛАЕВА,**
*ЎзМУ "Педагогика" кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори, профессор*

*Мақолада АҚШ, Германия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда таҳсил олувчиларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенциялар тизими ҳақида фикр баён этилган бўлиб, ушбу тизим механизмларининг мавжуд ҳолати акс эттирилган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан қиёсий таҳлил материаллари келтирилган.*

***Таянч тушунчалар**: компетенциялар, тизим, педагогик диагностика, ривожланган мамлакатлар, ўқувчилар, ривожланиш, бозор талаблари.*

*В статье освещены вопросы изучения уровня развития компетенций обучающихся в непрерывном образовании развитых стран: США, Германия, Южная Корея, а так же автором проведен сравнительный анализ материалов в данном направлении.*

***Ключевые слова:** компетенции, система, педагогическая диагностика, развитые страны, обучающиеся, развитие, рыночный спрос.*

*The article highlights the issues of studying the level of development of competencies of students in continuing education of developed countries: USA, Germany, South Korea, as well as the author conducted a comparative analysis of materials in this direction.*

*Key words: competence, system, pedagogical diagnostics, developed countries, students, development, market demand.*

АҚШ, Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Хитой каби ривожланган мамлакатларда XXI аср шитоб билан алмашаётган ахборотлар оқимидан ўқувчилар учун зарурий маълумотларни тақдим этиш ва уларни репродукциялашга имкон берувчи таълим тизимини яратиш учун бозор ва ишлаб чиқариш корхоналарининг барча эҳтиёжларини инобатга олиш учун уларда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши лозим бўлган компетенциялар тизими ишлаб чиқилган. Масалан, Германия умумий ўрта таълим тизими Sekundastufe тўрт тоифага бўлиниб, унда gymnasium (гимназия), Realschule (реал мактаб)лар фаолият кўрсатади ва уларда 5-10 синфгача ўқувчилар таҳсил олишади. Hauptschule

(асосий мактаб; 11-13 синфлар) ва Gesamtschule (умумлаштирилган мактаб)да ўқувчилар ҳоҳишига кўра 11-13 синфлар ташкил этилиб, улар таҳсил олувчиларни олий таълим институт-Hohshule ва университет- Fachhohshuleларда ўқишларини давом эттиришга ҳозирлайди. Ҳар бир умумий ўрта таълим мактаблари турида ўқувчилар муайян мезонлар асосида ташхисланадилар. Асосан, педагогик диагностика ўқувчиларнинг қуйидаги компетенцияларини ташхислашга қаратилади: билим ўзлаштириш ва фанларга оид компетенцияларни ташхислашга; компьютер саводхонлигининг ривожланишини ташхислашга; график редакторлар билан ишлаш кўникмаларинининг шаклланганлик даражаларини ташхислашга ҳамда умумий ментал даражадаги кўникмаларнинг шаклланганлик даражаларини аниқлашга қаратилади.

АҚШда умумий ўрта таълим мактаби *Secondary shool* деб номланади. Ўқувчилар *Primary shool* - бошлан?ич мактабни тугатганларидан сўнг ўқишларини ушбу мактабларда давом этадилар. Умумий ўрта таълим Америка ўқувчилари учун етти йил, яъни 5- 12 синфларда давом этади.

9-12-синфлар американалик ўқувчилар учун юқори умумий ўрта таълим - *High shool* деб номланади. Шу сабабли олий таълим тизимида ўқишини давом эттирмоқчи бўлган ўқувчилар учун мазкур юқори умумий ўрта таълим мактаби зарурий бўлиб, уни якунлаганлар *High shool diploms*га эга бўладилар. Ушбу дипломни қўлга киритиш учун улар маълум даражадаги мураккабликка эга бўлган диагностик тестларни топширишлари талаб қилинади ва ушбу ташхислаш натижалари ҳамда йиғилган баллар асосида олий таълим тизимидаги ўқув муассасаларига суҳбат орқали қабул қилинадилар. Умумий ўрта таълим (*High shool)*ни тугатган ўқувчилар учун ҳоҳишларига биноан олий таълим турининг яна бир кўриниши - *Undergraduate school* да ўқиш имконияти хам яратилади. Бакалавр даражасини эгаллаш ҳуқуқини берувчи ушбу кўринишдаги таълим муассасаларига кириш учун хам умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфи (*Secondary shool)*ни тамомлаган ўқувчилар қабул қилинадилар. Улар хам педагогик диагностика натижалари асосида суҳбат орқали ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Умумий ўрта таълим мактаби *Secondary shool*да ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш даражаси кунлик, ҳафталик, чораклик ва йиллик ташхислаш натижаларига кўра балл асо-

сида жамланиб борилади. Юқори балларга эга бўлган ўқувчилар *Undergraduate school* га суҳбат орқали қабул қилинадилар. Демак, ўқувчиларнинг билим ўзлаштиришларини мунтазам равишда диагностика қилиб борилиши, уларнинг келажакда таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Ривожланган мамлакатлардаги ушбу илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу аснода миллий таълим тизимида педагогик диагностика методикаларини яратиш, педагогик амалиётга уларни татбиқ этиш алоҳида долзарблик касб этувчи ижтимоий-педагогик масалалар сирасига киради.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим натижаларини диагностика қилиш амалиётида муайян муаммолар ўз ечимини кутаётган масалалар сирасига киради:

биринчидан, таълим иштирокчилари учун компетенциялар янги таҳлид қилиш учун зарур бўлган тенденция сифатида қаралиб, ундан ўқитиш материалларида замонавий атама сифатида фойдаланиш ҳолатининг мавжудлиги, бироқ таълим сифатини оширишга хизмат қилмаётганлигини кузатиш мумкин;

иккинчидан, таълим мақсадлари, мазмун ва моҳиятнинг замонавий ташкил этиш борасида хориж инновацион тажрибаларини ўрганиш асносида таълим моделларини жорий этиш зарурати

учинчидан, таълим назарияси ва амалиётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллари билан узвий равишда таҳлил қилиш етарли даражада эмаслиги кузга ташланмоқда. Ваҳоланки, илғор хориж тажрибаларининг кўрсатишича, таълим сифати натижавийлигини компетенциявий ёндашувлар асосида диагностика қилиш уч ёндашувли даражада амалга оширилади: кўникма ва малакаларни оширишга қаратилган ёндашув (АҚШ), функционал ёндашув (Буюк Британия) ва кўп ўлчовли, яхлитли ёндашув (Франция ва Германия). Маълумки, “компетенция” атамаси фанга 1959 йили Уайт томонидан киритилган бўлиб, юксак даражадаги мотивация асосида бажарилган фаолиятни ифодаларди. Уайт компетенцияни инсоннинг “ борлиқ, теварак-атроф билан самарали ҳамкорлик” қилиши натижасида орттиришини, шу сабабли «компетентли мотивация» - “қобилиятлар асосида эришилган ютуқлар» эканлигини эътироф этди. Компетенцияни педагогик ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш ХХ асрнинг 60 йилларидан АҚШда оммавий тус олди. Бунда мамлакатдаги

иқтисодиёт соҳасидаги инқирозга компетентли бўлмаган ўқитувчилар сабабчи эканлиги, айнан улар шу соҳада хизмат қилаётган иқтисодиётчиларга саёз билим бериб, сабоқ беришганлиги боис, иқтисодий танглик юз берганлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Ўқитувчи компетенциясини аниқлаштириш учун махсус тестлар ишлаб чиқилди ва Мак-Клилланд 1976 йили интеллектни аниқлайдиган тестлар ўрнига уларни тажриба сифатида қўллашга муваффақ бўлди[4, 61-б.]. Компетенцияларни диагностика қилиш тестлари когнитив тестларга қарама-қарши уларо қ ишлатила бошланди. Ўттиз йил муқаддам Америка таълим ассоциацияси компетенцияларнинг беш кластерини ажратиб кўрсатди (ресурслар, шахслараро, информацион, тизимлар ва технологиялар) ва бугунги кунда таълим соҳасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар айнан шу компетенциялар асосида ишини ташкил қилишади.

Германияда компетенцияли ёндашувларга асосланган инновацияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш ва натижаларни диагностика қилиш модели катта қизиқиш уйғотмоқда. Таълимнинг компетенцияли модели Германия таълим сифати ва самарадорлигини оширишга мўлжалланган. Чунки XX асрнинг 90 йилларига келиб, Германиядаги таълим тизими эскирган ҳисобланди, унда бозор эҳтиёжлари ва таҳсил олувчининг билими ўртасидаги номувофиқлик пайдо бўлганлиги сезилди. Университетни тугаллаётган ёшлар олган билим ва кўникмалари замонадан ортда қолаётганлигини кўрсата бошлади. Шу сабабали бугунги кунда немис битирувчи ўқувчиларидан: *график редакторлар билан ишлаш, дастурлаштириш;* талабаларидан: *маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, жадвалларни шакллантириш ва улардан асосий маълумотларни саралаш кўникмаларига эга бўлиш, логистиканинг асосларини эгаллаш, ўз ва хориж тилидаги маълумотларни ўқиш, тушуниш, англаш ва интерпретация қилиш, ёзма ва оғзаки тарзда фикрларни баён қилиш, иш ҳужжатларини юргиза билиш, йиғилаётган маълумотларни тизимлаштира олиш* компетенцияларига эга бўлиш талаб қилинади[2, 56-б. ]. Кўриб турганимиздек, фундаментал билимларга таянадиган анъанавий таълим битирувчиларга замонавий меҳнат бозорида рақобатга чидамли бўлишга хизмат қилмаётганлиги аниқланмоқда.

XX асрнинг 80 йилларида Германияда “таянч компетенциялар” атамаси пайдо бўлди, уларга шахсий компетенциялар билан биргаликда «мустақил фаолият юритиш ва мустақил қарор қабул қилиш», «мослашув-

чанлик», «ҳамкорлик қилиш қобилияти», «ахлоҳийлик ва маънавий етуклик» компетенциялари киритилди. 1996 йилда немис таълим тизими «ҳаракатлар компетенциялари»ни қабул қилди, унга асосан ўқув предметини ўқитиш компетенциявий ёндашувлар асосида ташкил қилина бошланди ва ўқув дастурларида ўз ифодасини топди. Немис таълим тизими рақобатли замонавий меҳнат бозорида ўзининг компетенциявий ёндашувлар асосида мослашувчанлигини кўрсата олди. Немис олимларининг таъкидлашича, бугунги замонавий таълим тизимида 29 компетенциявий ёндашув асосида олий таълим битирувчиларининг олган билимлари, кўникма ва малакалари ҳамда замонавий бозор эҳтиёжлари орасида мувофиқлик мавжуд эмас[3, 48-б. ] .

Германия, Франция, Япония, Сингапур таълим тизимида педагогик диагностика йил якунлари бўйича ўқитиш сифатини баҳолашга қаратилади[3,18-б. ] . Масалан, Германияда умумий ўрта таълим тизимида 12 миллион ўқувчилар 50 мингга яқин ўрта таълим мактабларида таҳсил оладилар ва бошланғич таълим – 4 синфгача; илк ўрта таълим -4 синфдан 10 синфгача; иккинчи ўрта таълим- 10 синфдан 13 синфгача давом этади. Бошланғич мактабларни (Grundshule) тугатганларидан сўнг ўқувчилар таҳсил олишларини ўқиш муддати беш йил бўлган асосий мактабларда – (Hauptshule) ва нуфузли мактаблар (Realshule, Gimnazium, Gezamtshule)ларда давом эттиришлари мумкин. Асосий мактабларда ўқувчилар ҳафтасига 30-33 соат миқдорида дарс ўтишлари таъминланган бўлиб, ушбу мактабларнинг асосий мақсади- ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдан иборат. Ушбу мактабларни битирган ўқувчилар муайян касб эгалари бўлиб етишадилар ва меҳнат фаолиятини бошлашлари мумкин. Иқтидорли ўқувчилар эса Realshule, Gimnazium, Gezamtshule, яъни нуфузли мактабларда сабоқ олишни давом эттиришади ва олий ўқув муассасаларига киришга тайёрланишади. Бунда ўқитиш сифатини таъминлашда таълим мазмуни биринчи даражали моҳият касб этади. Унинг кўсаткичлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

– умумий ўрта таълим муассасасида амал қилинаётган модернизциялаштирилган таълим дастурларининг самарадорлиги;

– ташкилий-педагогик шарт-шароитлар ва педагогик технологияларнинг қулайлиги, уларнинг давлат талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқлиги;

– таълим дастурларини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларнинг самарадорлиги;

– Давлат талаблари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик мажмуаларда таълим босқичлариаро узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланганлиги ҳамда амалий машғулотларнинг сифат даражасининг юқорилиги;

– ўқув режасида таълим соҳалари ва ўқув предметларининг уйғун тарзда ифодаланганлиги;

– ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўқув режасидан қониқишлари;

– ўқув дастурларида узвийликнинг таъминланганлиги, мавзуларнинг амалиётга татбиқ этиш учун қулайлиги, таркибининг уйғунлашганлиги;

– табақалаштирилган таълимни амалга оширишга йўналтирилган ҳаракатларнинг такомиллашганлиги, ўқув жараёнини чуқурлаштириш ва ихтисослаштиришнинг амалга оширилганлиги кабилар.

Хориж тажрибаларини ўрганиш асносида ривожланган мамлакатларда педагогик диагностика имкониятларидан кенг фойдаланиш тенденциялари кузатилди, яъни бошланғич мактаблардаёқ ўқувчиларнинг иқтидори, ўқишга бўлган савияси махсус диагностик методлар асосида ташхисланиб, унинг келажагини белгиловчи омил сифатида қаралиши ва боланинг кейинги босқичда таҳсил олишини кафолатловчи манба сифатида баҳоланиши аниқланди.

Шундай қилиб, таълим жараёнини ташкил этишда педагогик диагностикадан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ўқитувчининг касбий маҳорати, шахсий билимдонлиги, ижодкорлигига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Умумий ўрта таълимда педагогик диагностикадан фойдаланишнинг шарт-шароитларини аниқлаш учун бу соҳада мавжуд бўлган ёндашувлар, тушунчалар, қарашлар, таълимотларни тўплаш, тасниф қилиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва уни ўқитувчи фаолиятига жорий этиш мақсадида тегишли илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғри-

сида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Абдуллаева Ш.А. Педагогик диагностика.-Тошкент: Фан ва ахборот технологиялари, 2010.-278 бет.
3. Абдуллаева Ш.А. Ҳамкорлик педагогикаси.-Тошкент: Фан ва ахборот технологиялари, 2017.-178 бет.
4. Асадов Ю.М., Турдиев Н., Акбарова С., Темиров Д., Бабаджанов С. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикаси.-Тошкент: Қори Ниёзий номидаги ЎЗПФИТИ босмахонаси, 2016.-158 б.
5. Andreas Scheleicher. PISA 2012 Results: Students and Money. OECD Publishing. 2014.- 200 p.
6. Boud D. The move to self-assessment: liberation or a new mechanism for oppression?.-Central Queensland University, Australia.http://www.leeds.ac.uk/educol/documents/00002954.htm

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЛОЙИҲАЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***Б.Б.МАЪМУРОВ,***
*педагогика фанлари доктори*
*Бухоро давлат университети*

*Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаш кўникмаларини узлуксиз шакллантириш йўналишлари баён қилинган. Шунингдек, олий педагогик таълим тизимида талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган.*

***Калит сўзлар**: бўлажак ўқитувчи, лойиҳалаш кўникмаси, узлуксиз шакллантириш, ўқув жараёни, шахсга йўналтирилган таълим, ақлий ҳаракат, билим сифати, педагогик вазиятлар.*

*В данной статье обозначены направления непрерывного формирования умений проектирования у будущих учителей. Также обоснованы особенности умения студентов проектировать индивидуально-ориентированный учебный процесс в системе высшего педагогического образования.*

***Ключевые слова:** будущий учитель, навыки проектирования, непрерывное формирование, учебный процесс, личностно-ориентированное образование, умственное действие, качество знаний, педагогические ситуации.*

*This article outlines the direction of the continuous formation of project skills of future teachers. The features of students' ability to design an individual-oriented educational process in the system of higher pedagogical education are also substantiated.*

***Key words:** future teacher, project skills, continuous formation, educational process, student-centered education, mental action, quality of knowledge, pedagogical situations.*

Олий таълим мазмунини такомиллаштириш эҳтиёжининг кучайганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори[1]да ўз ифодасини топган. Жумладан, олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалардан бири сифатида: ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш,

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш[1] кабилар белгиланган.

Республикамизда юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва моддий-техник инфраструктураси таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг такомиллаштирилган ўқув-дидактик таъминоти модернизациялашмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни касбий шакллантиришнинг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган самарали механизмлари ишлаб чиқилди ва шахсга йўналтирилган таълимнинг устуворлиги таъминланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш асосида такомиллаштириш"[2] бўйича устувор вазифалар белгиланди. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини аниқлаш ўзига хос педагогик жараён ҳисобланади. Талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаларини эгаллашлари жараёнида уларни ўқувчиларнинг ақлий ҳаракатларини таҳлил қилишга ўргатиш талаб этилади. Бунинг учун улар ўқувчиларнинг ривожланиш даражаларини тавсифлаш ва коррекциялаш лаёқатига ҳам эга бўлишлари керак. Бу жараёнда улар ўқувчиларга гуруҳли ва якка тартибда ёндашиш методикасидан фойдаланишлари талаб этилади. бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларнинг ақлий ҳаракатларини таҳлил қилишда муайян мезонларга таяниш тажрибасини эгаллашлари зарур.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёни ўқувчини шахс сифатида

шакллантиришга асосланганлигини ҳисобга олган ҳолда бўлажак ўқитувчилар уларнинг ақлий ривожланишларини аниқлашга хизмат қиладиган инновацион технологияларини ўзлаштиришлари лозим. Мазкур технологияларни улар олий педагогик таълим тизимида хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, илмий манбалар ёрдамида ўз касбий маҳоратлари ва тажрибаларини ривожлантириш, илғор педагогларнинг тажрибасидан фойдаланиш, педагогик инновацияларни ўзлаштириш орқали эгаллайдилар [3; 123-б.].

Бўлажак ўқитувчилар дарсликлардаги ўқув материаллари билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларнинг билиш соҳаларига таъсир кўрсатадиган ўқув маълумотларини моделлаштириш маҳоратини эгаллашлари лозим. Бунда уларнинг турли дидактик воситалардан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади. Агар ўқувчиларга билиш объектлари қанчалик аниқ, тўғри, чуқур ифодаланган ҳолда тақдим этилса, уларнинг билимлари ҳам шу қадар сифатли бўлиши ҳақида бўлажак ўқитувчиларда тасаввур ҳосил қилиш, уларнинг таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш тажрибасини ўзлаштиришлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бўлажак ўқитувчиларнинг мазкур йўналишдаги билим, кўникма ва тажрибаларини баҳолаш предметли-моҳиятли баҳолаш механизми тарзида ифодаланади. Бундай баҳолаш профессор-ўқитувчиларга ўқув жараёнининг ахборотларни изчил тақдим этиш билан боғлиқ вазифаларни бажарилишини тўғри назорат қилиш имконини беради. Бу тарздаги назоратни амалга ошириш кўникмасини ўзлаштиришлари учун бўлажак ўқитувчилар касбий билим ва педагогик маҳорат сирларини эгаллашлари керак.

Олий педагогик таълим жараёнида талабаларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда лаборатория ва амалий машғулотлар ҳамда семинарлар ҳам ташкилий шакллар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Улар талабалар учун махсус ҳосил қилинадиган ва аниқ ҳисобга олиб бориладиган шароитларда ўтказилади. Бундай машғулотлар махсус жиҳозланган аудиторияларда ташкил этилиши керак [4; 51-б.].

Лаборатория машғулотлари талабаларни зўриқишга олиб келмаслиги керак. Чунки зўриқиш натижасида уларнинг касбий билимларни ўзлаштиришларида маълум даражада чекланишлар вужудга келади.

Лаборатория машғулотлари давомида талабаларнинг касбий кўник-

маларини ривожлантиришга хизмат қиладиган муайян дидактик вазиятлар ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам бундай машғулотлардан бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришда унумли фойдаланиш тавсия этилади. Шу мақсадда лаборатория машғулотларини табиий шароитларда кўпроқ мактабдаги таълим-тарбия жараёнларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Олинган натижаларнинг миқдорий кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланиши, уларнинг асосланганлиги ва ишончлилиги, талабаларнинг ушбу жараёндаги руҳий ҳолатларини педагогик-психологик жиҳатдан тасвирлашдангина иборат бўлиб қолмасдан, уларни ҳар томонлама таҳлил қилиш имконинини ҳам беради.

Табиий педагогик шароитларда амалга ошириладиган лаборатория машғулотлари талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш тажрибаларини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Бундай машғулотлар жараёнида бўлажак ўқитувчилар табиий педагогик вазиятларда амалга оширилаётган кузатишларни доимий, объектив жараён сифатида идрок этадилар.

Мазкур лаборатория машғулотлари давомида талабаларнинг олинган натижаларга ишлов беришлари бир қадар мураккаб кечади. Бироқ, ушбу жараёнда бўлажак ўқитувчи ташқи кузатиш натижасида ҳосил бўладиган босимни сезмайди, ўзини эркин, доимий фаолият тарзини бажараётгандек ҳис этади.

Маълумки, сўнгги йилларда амалга оширилаётган изланишларда бўлажак ўқитувчиларни касбий ривожланиш жараёнида ўрганиш ва улар фаолиятини таҳлил қилиш алоҳида ўрин эгалламоқда. Худди шундай шароитдагина бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш ва такомиллашиш имкониятларини аниҳлаш ҳамда тўғри баҳолаш мумкин. Бунинг учун эса шакллантирувчи усуллардан фойдаланишни тавсия этамиз. Мазкур усулларнинг педагогик аҳамияти – бўлажак ўқитувчиларда ҳосил бўладиган касбий билимлар ва компетенцияларни таҳлил қилишда яққол намоён бўлади. Ушбу усуллар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларини таъминлаш билан бир қаторда, уларга янги билим, кўникма ва малакаларни тақдим қилиш имконини ҳам беради [5; 76-б.].

Педагогик таҳлил усули ҳам олий педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмалари даражаларини аниқлаш учун зарур ҳисоб-

ланади.

Педагогика туркум фанларидан дарс берадиган профессор-ўқитувчилар бўлажак педагогларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш даражаларини аниқ билишлари зарур. Зарур педагогик жараёнларда талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёни ҳақида турлича тасаввурга эга эканликлари аниқланди. Ўқув жараёнининг самарали кечиши ёки каммаҳсул бўлиши аксарият ҳолларда талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим ҳақидаги билимлари ва қарашларига боғлиқ. Педагогик жараёнда талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим, уни лойиҳалаш ва ташкил этиш ҳақидаги билимлари ва тасаввурларининг аниқлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни, уни лойиҳалаш ва ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларини тестлар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни ва уни лойиҳалашга оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлашда ўзаро таъсир кўрсатиш, мулоқот, ижобий натижаларни кутиш ҳамда хайрихоҳлик кўрсатиш, улар билан ҳамкорликка киришиш каби усуллардан фойдаланиш муҳимдир. Талабалар билан профессор-ўқитувчилар орасидаги мулоқот бўлажак педагогларнинг фикрлари, нуқтаи назарлари ва қарашларини уйғунлаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

3. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб. пособие для высш. учеб.–М: Издательский центр «Академия», 2005. – 288 с.

4. Крюкова Е.А. Введение в социально-педагогическое проектирование: Учеб. пособие к спецкурсу. – Волгоград: Перемена, 1998. – 106 с.

5. Сериков В.В. Образование и личность. Теория и практика проектирования образовательных систем. – М.: Логос, 1999. – 272 с.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**З.Б.АҲРОРОВА,**
*ЎзМУ "Педагогика"кафедраси доценти, п.ф.н*

*Ушбу мақолада педагогик технологияларнинг таълим жараёнидаги роли ва унинг Ўзбекистон таълим тизимидаги ўрни ҳақида фикр юритилади. Педагогик технологияларнинг олий таълим жараёнидаги ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва замонавий таълимда технологиялардан фойдаланиш масалалари атрофлича ёритилади.*
***Калит сўзлар:*** *Таълим, педагогик технология, дарс бериш жараёни, маҳорат.*

*В данной статье обсуждается роль педагогических технологий в образовательном процессе и их роль в системе образования Узбекистана.*
***Ключевые слова:*** *образование, педагогические технологии, процесс преподования, мастерство.*

*This article discusses the role of pedagogical technologies in the educational process and their role in the education system of Uzbekistan.*
***Key words:*** *education, pedagogical technologies, teaching process, mastery.*

Ўзбекистон таълим тизимида педагогик технологиялар масаласи мустақиллик йилларининг дастлабки даврларидан тилга олина бошланди. Қабул жараёнларида тест технологиясидан фойдаланиш бу йўналишни жадаллаштириб юборди десак муболақа бўлмайди. Худди шу каби умумпедагогик технологияларнинг таълим тизимига кириб кела бошлашиши, иқтисодий ривожланган давлатларнинг таълим тизимини ижодий ўрганишга асос бўлиб хизмат қила бошлади. Horижнинг илғор педагогик технологиялари тажриба сифатида таълим жараёнига тадбиқ этила бошланди. Аммо, технологияларнинг хилма-хиллиги уни саралашда бирмунча мураккабликлар, чалкашликларни келтириб чиқара бошлади.

Ҳар қандай педагогик ҳаракатнинг ўзгармас қисми бу- мақсад-жараён-натижа бўлиб хизмат қилади. Албатта, бу ҳаракатларда технология қайси ўринда турадиқ, деган савол пайдо бўлади. Шуни айтиш мумкинки, айнан жараёнда, технология амал қилади. Жараёнга нима тегишли бўлади? Бу асосланган қонуниятлар, амалга оширилиш принциплари, мақсадга интилиш методлари, шакллар ва жарённи тезлатувчи воситалардир. Шунинг учун технология биринчи галда ва кўп жи-

ҳатдан жарёнли қисмга-методлар, шакллар, воситаларга боғлиқ.

Бундай ҳаракатларнинг барчаси жуда муҳим саволларга жавоб беришга хизмат қилади. Қандай ўқитиш?, қандай тарбиялаш?, қандай ривожлантириш керак?

Технологияларда ақл, маҳорат ва ғоялар, методлар, шакллар, воситалар, натижалар интеграциялашади. Шу ўринда педагогик технологияларни содда ва лўнда қилиб ривожлантириш, тарбиялаш ва ўқитиш мақсадларига эришиш учун йўналтирилган билимлар ва ҳаракатлар йиғиндиси сифатида аниқланиши мумкин. Педагогик технологиялар 80-йилларда адабиётларда, ўқитувчилар луғатларида қуйидагича ишлатила бошланди: методлар, шакллар, усуллар, ташкилий ечимларни чоқиштириш ёки мослаштириб ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадига эришишдаги ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги ҳаракати. Кейинчалик эса педагогик технологиялар ҳар доим ҳам бўлганлигини ва у доимо, замон, давр билан биргаликда ўзига хос ўзгариб, тажрибалар орқали янгиланиб туриши эътироф этила бошлади. Бугунги кунда эса замон эҳтиёжларига, билимларнинг ривожланиш даражасига ва имкониятларига жавоб бера оладиган технологияларни жорий этишга тайёр бўлмоғимиз лозим. Шундагина педагогик технология таълим ва тарбиянинг юқори даражасига эришишини кафолатлайдиган, янги ютуқларга асосланган чоралар мажмуи сифатида қаралиши мумкин. Анъанавий педагогика тайёр жараёнга хизмат қилишдан қаноатланган бўлса, истиқболли педагогик технологиялар бу келажакка қаратилган, башоратловчи, қудратли масалаларни ечишга қодир, деб қаралади.

Кейинги вақтларда педагогик технологияларга жуда кўплаб таърифлар берилмоқда. Жумладан, методлар, усуллар, воситалар (В.Паламарчук); санъат, маҳорат, кўникма, ишлов бериш методлари тўплами, ҳолатнинг ўзгариши (В.Шепель); дидактик тизимнинг таркибий жараёнли қисми (М.Чошанов); ўқитиш принциплари, интеграл ёндошув (В.Гузеев); режалаштирилган натижаларга эришиш жараёни алгоритми (Н.Волков); талаба шахсини шакллантириш жараёнини лойиҳалаш (В.Питюков) ва бошқалар.

Технологияларнинг бошқа кўринишларини ҳам фарқлаш мумкин, усуллар, методлар, шакллар ва бошқалар. Улар мантиқий бирлашиб, яхлит технологик жараённи – педагогик технологияни ташкил этади. Бу тушунчанинг илмий асослари қатор муаллифлар томонидан тўлақонли очиб берилган. Педагогика тарихи жамият тараққиёти билан узвий ҳолда ривожлаиб келди. Рус олими В.П.Беспалько педагогик даврларни қуй-

идагича даврлаштиради:

1- индивидуал педагогнинг педагогик фаолияти даври,

2 – ўқув китоблари даври,

3 – аудиовизуал воситалар даври,

4 – ўқитишни оддий автоматик воситалар билан бошқариш даври,

5 – замонавий ЭҲМ базасида ўқитишни автоматлаштириш воситалари билан бошқариш даври.

Аслида ўқитиш амалиётида ягона идеал ёндашув йўқ, балки турлича ўқитиш методлари, шакллари, ўқув жараёни моделлари мавжуд ва улар маҳоратли, ўз мактабини ярата олган педагоглар қўлида турлича шароитда намойиш этмоқда ва самара бермоқда. Шу ўринда ўқув-тарбия жараёнига бўлган ёндошувларни шартли равишда уч турга ажратиш мумкин, изоҳли- тасвирли, ижодий ва технологик.

Изоҳли-тасвирли ёндошув “анъанавий”технология ҳисобланиб, бугунги кунда ҳам аудиторияда устиворлик касб этиб турибди. Унинг асосида ўқитувчи- талаба қонунияти туради. Яъни ўқитувчи томонидан тайёр билимлар узатилишини кўзда тутади. Сабаби 45 ёки 80 дақиқалик дарс-маъруза давомида ўқитувчи жараённинг асосий бошқарувчи-субъекти бўлади. Бу жараёнда талаба – ўқитувчи тизими ишламайди, десак ҳам бўлади. Тўғри изоҳли – тасвирли ёндошув педагогика узоқ тарихида катта даврни қамраб олади. Аммо, фан ва техниканинг ўқитиш жараёнига таъсири ҳам бу тизимда янгиликка эҳтиёжни яратди.

Ижодий ёндошув машғулотларни ташкил этишда бирмунча самарали ҳисобланади ва талабани ижодкорликка, фаолликка ундайди. Педагог ўқув фаолиятини демократик тазда рағбатлантириш асосида бошқаради. Талаба шахси тадқиқотчилик мавқеини эгаллайди. Бунинг учун педагог оғирлик марказини фронтал-ялпи ишлаш шаклидан индивидуал – якка шаклга ўтказиш имкониятлари пайдо бўлади ва шундай шароит етилади. Бир сўз билан айтганда, ўзининг илмий мактабига эга педагог-олимгина бу ёндашувда самарали фаолият олиб бора олади. Бунда эса талабаларнинг қобилияти, мойиллиги, қизиқиши илмий асосда аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Технологик ёндашув эса бугунги таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амалиётда кириб келмоқда. Замонавий педагогикада шундай дидактик ёндашув ва воситаларни излаб топиш давом этмоқдаки, ўқитиш натижаларини кафолатлайдиган ўзига хос

технологик жараёнга айлантириш мумкин бўлади.

Ўқитиш технологиясининг предмети – узлуксиз таълим тизимини конструкциялашдан иборатдир. Тизимли ёндошув асосида технологиянинг асл моҳияти ойдинлаштирилади. У таълим тизимининг барча босқичларини- мақсадни белгилаш ва ўқув жараёнини конструкциялашдан тортиб то янги ўқув тизимларининг самарали ишлашини текшириш, уларни жорий қилишга қадар қамраб олади. Ўзига хос томони шундаки, лойиҳаланаётган ва амалга оширилаётган ўқув жараён белгиланган мақсадга эришишни кафолатлайди. Ўқитишни изчил мақсадга эришишга йўналтириш тезкор тескари алоқа асосида боради, бу ҳолат бутун ўқитиш жараёни давомида кузатилиши лозим. Шунга кўра ўқув жараёнига технологик ёндошувда қуйидагилар алоҳида ажралиб туради: ўқув мақсадларини имкони борича аниқ ўрнатиш, ўқув материали мазмунини белгиланган мақсадга мос ҳолда маълум қонуниятларга таяниб саралаш, ўқитиш жараёнини мақсадга эришиш учун йўналтириш, талабаларнинг ўқув- билиш фаолиятини қўшимча ахборотлардан фойдаланиш асосида мустақил ташкил этиш, жорий натижаларни баҳолаш ва зарур ҳолларда қўшимча дидактик жараённи қуриш ва натижаларнинг якуний ба?оланишидир.

Янги технология маъноси у қаерда қўлланилишидан қатъий назар, олдинги технологияларга нисбатан оз харж эвазига кўп натижага эга бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга эътибор қаратадиган бўлсак, тушунарли ва жуда оддий ҳолатни кузатамиз. Юқори сифат, кам харж, вақт тежами. Педагогика фанига қиёслаб ўргансак буни олимларнинг фикрлари билан тасдиқласак бўлади. В.Шаталов ўзининг муаллифлик технологиясини - ўқитиш вақтини тежашга ва унинг натижаларини яхшилашга олиб келадиган ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуини таклиф этган. Ш.Аманашвилининг инсонпарварлик технологияси болага муносабатни ўзгартириш орқали натижага эришишни, М.Монтессори технологиясини эса болаларга бўлган муносабатлар технологияси, деб аташ мумкин.

Шуни такрорлаш лозимки, ҳар қандай вазиятда технологияларда жараён ва натижа ажралмасдир. Вақтга боғлиқ бўлган натижа дастлаб жараёнда содир бўлади. Жараён маҳсулотга сингиб боради. Жараёнда ҳам, натижада ҳам таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи таркиблар узвий бирлашган бўлади. Бу ҳодисани қуйидагича хулосалаш мумкин: агар технология педагогик жараённинг барча жабҳасига ва умумий

натижага тегишли бўлса, уни педагогик технология деб аташ мумкин. Технологияларнинг иерархиясини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

– педагогик - гуманистик педагогика;

– ривожлантирувчи - ривожлантирувчи фаолият;

– тарбияловчи - эркин тарбия;

– таълимий - муаммоли таълим.

Аввало, умумпедагогик технологияларга бир-биридан, педагогик тизим воситалари билан кескин фарқланадиган ғоялар мисол бўлади. Булар, юксак мақсадларни, хукмрон қарашларни, ўз даврининг анъаналарини акс эттирувчи догматик технологиялар, режалаштирилган натижаларга эришишнинг ёндашувлари, назариялари ва концепциялари, воситалари билан дунё оқими сифатида мавжуд бўлган меҳнат технологиялари.

Иккинчидан, хусусий-методик (соҳавий) даражага қуйидаги технологияларни киритиш мумкин, меҳнат таълими, муаммоли таълим, ривожлантирувчи таълим.

Учинчи даража технологияларга тор йўналишли, хусусий, муаллифлик технологиялари киради. Масалан, ўз-ўзини ривожлантириш (М.Монтессори); кодлаштирилган таълим (В. Шаталов), “геометрик доска”технологияси (Қ. Мусаев) ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги давр ўқитиш шакл ва методлари ўқувчи ва талабаларни эркин, ижодий фикрлашга, мустақил ишлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда талабалар ижодий изланишда, муаммолар таҳлили остида унинг ечимини топишга интилади, гуруҳлар билан ишлаш жараёнида, талаба-талаба билан мулоқот орқали уларга биргаликда муаммолар ечими, таҳлил жараёни ва албатта баҳолашга замин яратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Фан. 2006 й.

2. Омонов Х. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Молия. 2008 й.

3. Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадби?ий асослари. Фан ва технологиялар.2006 й.

4. Авлиёқулов Н. Педагогик технологиялар. Ўқитувчи. 2012 й.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Г.П.ИСАЕВА,***

*ГулДУ "Педагогика-психология ва меҳнат таълими" кафедраси катта ўқитувчиси, п.ф.н.*

*Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида касбий фаолиятнинг таълим самарадорлигини ошириш, педагог ўз қобилиятлари ва маҳоратларини ривожлантиришда мунтазам изланиш ўз устида ишлашнинг ўзига хос ҳусусиятларининг педагогик фаолиятда қўлланилиши ўз аксини топган. Муаллиф таълим самарадорлигини ошириш жараёнида , педагог ўз фаолиятига таълимий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлиги етишмаслиги ҳамда таълим жараёнидаги қийинчилиги шарт-шароитларга тезкорлик билан мослашмаслигини таҳлил этган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *таълим, педагог, ривожланиш, маданият, маънавият, қобилият, маҳорат, ўқитувчи сиймоси, интеллект, коррекция,фаолият.*

*В данной статье в системе непрерывного образования отражено повышение эффективности образования при развитии педагогом своих способностей и навыков путём постоянного совершенствования и работы над собой, их своеобразных особенностей - применение всего этого в педагогической деятельности. Автор при процессе повышения эффективности образования недастаточности педагогом образовательного, духовного и физического сторон и трудности в процессе образования и условий, при этом анализировал их в соответствии адаптации к условиям.*

***Ключевые слова:*** *образование, педагог, развитие, культура, духовность, способность, умение, интеллект - образ учителя, коррекция, деятельность*

*This article in the system of continuous education reflects the increase in the effectiveness of education in the development of their skills and abilities by a teacher through continuous improvement and work on themselves, their peculiar features - the use of all this in teaching activities. The author, in the process of increasing the effectiveness of education, lacks the teacher's educational, spiritual, and physical aspects and difficulties in the process of education and conditions, while analyzing them in accordance with the adaptation to the conditions.*

***Key words****: education, teacher, development, culture, spirituality, ability, ability, intellect - teacher's image, correction, activity*

Узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик сирлардан бири ўқитувчиларда мунтазам изланиш ва ўз ишининг устаси бўлишига қизиқиш уйғотишдан иборатдир. Жумладан, педагог - тарбия-

чи ўз дарс машғулотларида, тарбияланувчилар билан ўзаро муносабатларда яхши ва ёмонни фаролашга, ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида билишга уринса, педагогик фаолият самарадорлигининг ярим муваффақиятига эришган бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир педагог мустақил равишда ўз имкониятларини аниқлаши, ўз қобилиятларини ва педагогик маҳоратини ривожлантириши керак. Ўзида кўп нарсани ижод қилиши, тавсия қилинганлардан кўпини синаб кўриши, ўз устида тинимсиз меҳнат килиши, ўқитувчи сиймосини яратади, косиб ёки ижодкор бўлишини ҳам ўзи белгилайди. Бевсита, 2018 йил декабр ойида Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлис депутатларига бўлган мурожатномасида ҳам мазкур муаммо ечимига оид теран фикрлар билдирилган.

Зеро, узлуксиз таълим жараёнида фаолият юритаётган педагог ўзининг тажрибасини таҳлил қилиб, ўз диққатини тобора муваффақиятли жиҳатларга қаратади, ўзининг иш самарадорлигини пасайтираётган педагогик муаммоларни ва қийинчиликларни ҳам кўра олиб, уни бартараф этиш йўлларини топади.

Педагогик фаолиятда дастлабки қийинчиликлардан бири узлуксиз таълим жараёнида фаолият юритаётган ўқитувчи ўз фаолиятига таълимий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлиги сустлигидир, сустлиги натижасида педагогда ўз ўзидан кескинлик, бепарволик, пайдо бўлади.

Эндигина ўз фаолиятини бошлаётган мактаб ўқитувчилар дуч келадиган асосий қийинчиликлари, педагогнинг таълим жараёнидаги қийинчилиги шарт-шароитларга тезкорлик билан мослашмаслиги, кескинлик, бепарволик, ўз ишидан қониқмаганлиги, психологик ҳолати ёки аксинча, уни бартараф қилиш учун жадал интелекти, педагогик маҳоратниниг етишмаслиги уни такомиллаштириш, педагогик фикрлашни секинлиги, малака ва кўникмаларни ривожлантиришни таъминлайдиган тетиклик, удабуронлик, мобилизацион тайёргарлик, эмоционал кўтаринкилик ҳолатининг мавжуд эмаслигидир.

Узлуксиз таълимда педагогик фаолиятдаги қийинчиликлардан яна шуни таькидлашимиз мумкинки, педагогик вазиятда зиддиятлар узоқ давом этиши, ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги, муваффақиятсизликка дучор бўлиши, вазиятда нафақат психологик узилишлар, балки ўз–ўзини баҳолашнинг пастлиги, педагогик маҳоратни такомиллаштиришнинг тормозланиши салбий ҳолатга олиб келади

Шундай экан узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда педагогик вазифаларга фаол муносабатнинг зарур шарти бўлган рағбатлантирувчи услублардан ўз вақтида фойдаланиш бу ижобий ҳал этилишига, ўқитувчининг шахсий педагогик маҳорати заҳирасини сафарбар қилади, бу эса педагогнинг ижодий фикрлашини рағбатлантиришига манба бўлиб хизмат қилади.

Демак, узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда ўз педагогик фаолиятини эндигина бошлаган ҳар бир ёш ўқитувчи асло жисмонан ва руҳан бўшашиши, бутунлай осойишталикка берилиши мумкин эмас.

Педагогик ва психологик адабиётлар таҳлили, қийинчилик – инсоннинг субъектив психологик ҳолати эканлигини, у ҳамма вақт ҳам ташқи кузатувчи таҳлил учун қулай эмас деган хулоса қилишга имкон беришини, бу эса ҳеч ким ўқитувчининг касбий қийинчиликларини унинг ўзидан кўра яхшироқ аниқлай олмаслигини ва уларни бартараф қилиш йўлларини ҳам ўзидан бошқа киши топа олмаслигини таъкидлайди. Демак, ўқитувчининг педагогик фаолиятида касбий қийинчиликларини тадқиқ қилишнинг янада қулай йўли бу, ўз–ўзини ташхислаш ҳисобланади.

Узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда касбий такомиллашувнинг салбий ҳолати буйруқ оҳанги юқори даражада бўлиши, бақир чақир қилиши ва ҳаддан ташқари қаттиққўллик, назорат қилиши эмас, балки айнан ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқмаслик ҳисси, юзага келган педагогик зиддиятни бошқача қилишга, бунинг учун янги воситаларни излаб топишга ва уни ўзлаштиришга онгли равишда интилишини таъминлаши, қийинчилик ва зиддиятларни бартараф этишидан, шахсан ўзи ҳал қилган шогирдлар вазифасидан ижодий қувониш, қониқиш ҳисси – ўқитувчи касбий компонентлигининг асосий манбасига айланади, аниқроғи, айланиши мумкин. Ҳар бир педагогик жамоада ва жамоанинг ҳар бир аъзосида педагогик касбий фаолият хусусиятларини ўрганишда ягона мақсад учун ҳаракатланишга имконият беради, бу ўз навбатида ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш механизмини яратиш учун замин ҳозирлайди.

Узлуксиз таълимда интеграцион фан ютуқларидан фойдаланиш, олимлар эришган натижаларидан, назарий билимни амалиёт билан боғлаш, илмий билимларнинг маълум бир мақсадга йўналганлигига боғлиқлигини англай олиш лозим.

Узлуксиз таълимда ўқитувчининг ўз потенциал имкониятларини ба?олаш диагностика давомида ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиборга олиниши лозим, унга ишонч билдириш керак, унинг касбий фаолиятига баҳони ошириб ёки пасайтириб қўйиш ўқитувчи касбий ривожланишини тўхтатиб қўйиши мумкин. Ушбу ўқитувчининг индивидуал ривожланиш мантиқини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчининг ютуқларини бошқа ўқитувчиларнинг ютуқлари билан эмас, балки ўзининг олдинги ютуқлари билан ҳам таққослаш керак.

Шахсий педагогик фаолиятни ўз–ўзида таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи ўзининг таълим–тарбиявий фаолияти натижалари ва хусусиятларининг ҳолатини ўрганади, педагогик зиддиятлар ўртасидаги сабаб ва оқибатли боғланишларни аниқлайди, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришни янада такомиллаштириш йўлларини белгилайди

Хулоса қилиб айтганда, таълим самарадорлигини оширишда олий ўқув юртида таҳсил олган ҳар бир бўлажак педагог фундаментал билимга эга бўлиши, касбий билим, кўникма ва малакаларини эгалаши, ўз касбий фаолияти натижаларини англаб етиши, унинг келгуси педагогик фаолиятида янада ривожлантириши учун такомиллашган усулларни излаш ва уларни ўзлаштириш заруриятини таъминлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи. // Халқсўзи газетаси, 2017.16 январ, №11

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон”, 2017.

3.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлаш тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон”, 2017.

4. 2018 йил декабр ойида Президентимиз Ш.Мирзияевнинг Олий мажлис депутатларига бўлган мурожатномаси.

5. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЙА, 2011.

# KIMYO DARSLARINI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY YONDASHUV UZVIYLIGI

***X.U.DEHQONOV,***
*Qo'qon DPI*

*Mazkur maqolada kimyo fanini o'qitishda zamonaviy ta'lim texnologiylarini joriy etishning samarasi, o'qituvchining kreativ yondashuvi hamda o'qituvchinig kasbiy kompetensiyasi haqida so'z boradi.*

***Tayanch so'z va iboralar**: Kimyo o'qitish, uzviylik, ta'lim jarayoni, zamonaviy ta'lim texnologiyalari, o'qitish, mustaqil ta'lim.*

*В данной статье рассматриваются преимущества внедрения современных технологий в преподавание химии, творческий подход и компетентность учителя.*

***Ключевые слова**: преподавание химии, преемственность, образовательный процесс, современные образовательные технологии, обучение, самостоятельное обучение.*

*This article discusses the benefits of introducing modern technology into chemistry teaching, the creative approach and teacher competency.*

***Key words**: chemistry teaching, continuity, educational process, modern educational technologies, training, self-study.*

Yurtimizda bo'layotgan o'sish va rivojlanish ta'lim sohasida ham ma'lum yangiliklar, tubdan o'zgarishlar bo'lishini taqazo etadi. Haqiqatdan ham, chuqur bilimli, keng dunyoqarashli komil shaxsni tarbiyalash masalasi pedogoglardan yangicha faoliyat yuritish prinsipini amalga oshirishni talab qiladi va o'z ustida ishlada o'ziga xos ma'suliyat yuklaydi.

O 'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning "O'zbekiston buyuk kelajak sari" asarida "O'zbekiston o'z yer osti boyliklari bilan haqli ravishda faxrlanadi va bu yerda mashhur Mendeleyev davriy jadvalining deyarli barcha elementlari topilgan" deb yozilgan. Ta'lim sohasi rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin egallashi XXI asrni aql-zakovati, bilimdonlik asri bo'lishi uchun pedagogdan katta izlanish va mahorat talab etadi.

Jamiyat rivojining hozirgi bosqichida ta'lim tizimi oldida ulkan vazifalar turibdi. Mamlakatimizda o'qituvchilarga katta mas'uliyat yuklangan. Vatanimiz ravnaqi uchun ularning fidokorona va xayrli mehnatlari samarasiga bog'liq. Hozirgi zamon o'qituvchisi har tomonlama yetuk, o'z kasbining ustasi, zamon bilan hamqadam ish

uslubiga ega, yangi o’qitish metodlaridan xabardor, o‘z ustida doimo ishlab, bilim va malakalarini mustahkamlab boruvchi shaxs bo‘lishi lozim. O‘quv-tarbiyaviy jarayonni ilg‘or pedagogik va axborot texnologiyalari bilan ta’minlash borasidagi ishlar “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi”ni amalga oshirishning ikkinchi va uchinchi bosqichlarida bajariladigan ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilangan. Ta’lim mazmunini takomillashtirishning yo‘nalishlaridan biri o‘quvchilar uchun mustaqil ta’lim olishning eng muhim vositalaridan hisoblangan o‘quv-axborot manbalarini shakllantirish va rivojlantirish uchun zarur sharoitlarni yaratish sanaladi.

Kimyo predmetini o‘qitishda ham o‘quvchilarni mustaqil ishlashga,atrofdagi xodisalarni talqin etishda kimyoviy bilimlarni qo‘llay olishga qaratmog‘imiz lozim. Kimyoni o‘qitishda ayniqsa guruhlarga bo‘lib, mustaqil topshiriqlarni bajarish yaxshi natijalarga olib keladi.O‘quvchilar mustaqil fikrlashadi, ijodiy ishlashga xarakat qilinadi, past bilimli o‘quvchilar ham “yaxshi” o‘quvchilar qatoriga intilishadi va bu holat sinf ko‘rsatkichlarini ko‘taradi. Turli individual, guruxiy, juft bo‘lib mustaqil ishlarni bajarish jarayonida o‘quvchilar bilimi chuqurlashadi, malakalar hosil bo‘ladi.

Kitob bilan mustaqil ishlashni ko‘proq amalga oshirish, qo‘shimcha adabiyotlardan foydalanishni yo‘lga qo‘yish, krossvordlar tuzish, darsdan tashqari ishlar, ekskursiyalar, KVN lar va har o‘quv bellashuv kechalarini hamkorlikda tashkil etishni yo‘lga qo‘yish kimyo fanini o‘rganishda zamonaviy yondashuvni yaratadi.

Kimyo fani sohasida kompyuterdan foydalanish — mavzular bayoni tasvirlardagi animatsion harakatlar, tabiatdagi ko’z bilan ko’rish imkoni bo’lmagan kimyoviy jarayonlarni o’ziga xos tarzda namoyish etish juda katta amaliy ahamiyatga ega ekanligi ko’plab tadqiqotchi olimlar tomonidan isbotlab berilgan. O’quv mashg’uloti davomidagi faol faoliyat asosan talaba va o’qituvchi tomonidan tashkil etiladi. Buning uchun ular orasidagi o’zaro bog’liqlik, ko’p hollarda dars jarayonida qo’llaniladigan metodik qo’llanmalar vositasida tashkil etiladi. Ayniqsa, kimyo faniga endigina qadam qo’yayotgan o’quvchilarga didaktik o’yinlarni o’zida mujassam etgan noan’anaviy mashg’ulotlar, texnik vositalar bilan tashkil etilgan dars jarayonining o’ziyoq “ajoyib” tuyuladi. Darslarda o’quv texnik vositalardan foydalanish ayni paytda darslarni samarali, faol tarzda tashkil etishda, o’quvchining diqqat e’tiborini jalb etish kabi kutilgan natijalarni bermoqda.

Kimyo – bu turmush fani va uni o‘quvchilar kelgusida qaysi sohani egallamasin, kelajakda kimyoviy bilimlarga ega bo‘lsagina, o‘z kasbining etuk

mutaxassisi bo'ladi deb to'diq ishonamiz. Ma'lumki, har bir dars ta'lim mazmunini joriy etilishini ta'minlovchi barcha turdagi o'qitish texnologiyalarini o'zida mujassamlashuvini taqazo etadi.

Kimyo darslari va uning strukturasi faqat o'qituvchi va o'quvchining dars jarayonida birgalikdagi faoliyatini, tashqi ko'rinishini aks etdirib qolmaydi, balki o'quvchilarni samarali bo'lgan bilish faoliyatlari bilan bog'liq ichki jarayonlar moxiyati bilan ham bog'langan bo'ladi.

Kimyo darsini samaradorligi — uning serqirraligi, keng qamrovli mazmun va shakliga ko'ra turli xilda namoyon bo'lib, moxiyatiga ko'ra darsning asosiy mazmunini o'zlashtirishni o'z oldiga qo'ygan maqsadga erishishga yo'naltirilganligiga bog'liq. Darslarga xos umumiy jixat — o'qituvchining ijodiy ya'ni kreativ yondoshuvidir.

O'qituvchining kreativ faoliyatda bo'lishi, uning kompetensiyaviy tayyorligi bilan izohlanadi. CHunki aynan hozirgi kunda, kompetensiyaviy yondashuvlar asosida fanlarni o'zlashtirish ko'rsatkichlari yuqori darajaga ko'tarilmoqda. Bu esa bevosita bo'lajaka kimyo fani o'qituvchilariga kuyidagilarga ega bo'lishini taqozo etadi:

– bo'lajak kimyo o'qituvchisining ksbiy (shaxsning kimyo bilimlar va ularning fundamental asosidan maktab kimyo kursini qurish, uni kommunikatsiyalar asosida tashkil qilish, kimyo masalalarni hal qilishda foydalanish;

– o'z pedagogik faoliyatini o'quv va kasbiy motivatsiyaning yuqori darajasida modellashtirish va loyihalashtirish) kompetentligi (kimyo o'qitish metodikasi sohasida o'ziga-o'zi ta'lim berish va o'zini-o'zi takomillashtirish tayyorligi va qobiliyati)ni integrativ yondashuv asosida takomillashtirish;

– bo'lajak kimyo o'qituvchisining kasbiy bilim va malakalariga umumlashma talablari (pedagogik faoliyati mazmuni, uning funksiyalarini aniqlash) kasbiy (kognitiv, konstruktiv-prognostik, tashkiliy-texnologik, axborot-kommunikativ, nazorat-baholash, refleksiv-analitik) kompetensiyalari asosida takomillashtirish;

– bo'lajak kimyo o'qituvchilarining kasbiy kompetentligi (qadriyatli motivatsiyali, kognitiv, amaliy yo'naltirilgan, kommunikativ, refleksiv) komponentlari rivojlanganligini baholash mezonlari rivojlanganlik darajasi kasbiy bilimlar, faoliyat usullari, kommunikativ va refleksiv malakalar asosida rivojlantirilgan bo'lishi bevosita o'qituvchi shaxsining kelajakda kompetentliligini ta'minlashi bilan xarakterlidir.

Umuman olganda umumiy o'rta ta'lim maktablarida **kimyo** darslari

qo‘yidagicha bo‘lishi mumkin: *o‘quvchilarga yangi bilimlar berish darsi; bilimlarni umumlashtirish va tizimlashtirish darslari; takrorlash, mustaqkamlash, malaka va ko‘nikmalar hosil qilish; bilimlarni nazorat qilish; kombinatsion dars; izlanish darsi; mustaqil darslik bilan ishlash darsi; munozara darsi; o‘yin darsi; seminar va leksiya darslari; predmedlararo bog‘lanish darsi; hamkorlik darsi; zanjir darsi; hamkorlik darsi;erkin fikrlovchi darsi; amaliy mashg‘ulotlarni bajarish darsi; kompyuter darsi; bir kishi hamma uchun, hamma bir kishi* uchun va h.k.lar

SHu bidan birga qo‘yidagi dars usullaridan foydalanish maqsadga muvofiq: «Zig-zag» strategiyasi; «Insert» strategiyasi; «Kubik» strategiyasi. Bunday darslar o‘quvchilarda o‘qish, bilim olishga bo‘lgan qiziqishlarni uyg‘otadi, mustaqil ijodiy izlanishlarini rivojlantiradi, mustaqil ravishda erkin fikrlashlarini kuchaytiradi. Eng muximi dars bu o‘quvchiga rivojlantiruvchi ta’lim berishdan iborat. Bunday darsni zamonaviy dars deb hisoblash mumkin. Zamonaviy darslarda barcha o‘quvchining faol harakatini va qiziqishini kuzatish mumkin.

Dars maqsadi aniq qo‘yilgan bo‘lib, o‘quvchi uni bajarishga intilishi kerak. Dars samara berishi uchun uni ijodiy ravishda tashkil etish kerak. Ijodiy darsni tashkil etishda o‘quvchilarning qobiliyatlari xisobga olinadi.

Dars o‘quvchilarda mantiqiy va intuitiv fikrlashni rivojlantirishga ko‘maklashadi. Natijada darsda o‘quvchining mavjud imkoniyatlari shakllanadi. Bunday o‘quvchi o‘zidagi imkoniyatlarni amaliyotda qo‘llay boshlaydi.

Kimyo o‘qitishda ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalanishning o‘ziga xos jihatlari mavjud: *Metodik jihatlari: o‘quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olish; o‘quvchilarning bilim darajasi; o‘quvchilarning qiziqishlari; o‘rganilgan materialni o‘quvchiga mosligi; o‘rganiladigan materiallarni ilmiyligi; materialni zamonaviy va tarixiyligi; o‘rganilayotgan materialni hayotiyligi. b) Eksperimentga asoslangan dars: darsni muammoli tajriba asosida boshlash; berk qurilma bilan amalga oshiriladigan eksperemeshp dars; ishkodiy xarakterdagi: masala, labaratoriya, kuzatish darslari. v) Nazorat darsi: o‘quvchilar bilimlarini nazorat qilish va baholash; tayanch konspektidan foydalanish; qo‘shimcha adabiyotlardan foydalanish; umumlashtirish jadvallar asosida o‘qitish jarayonida algorshpim usullaridan foydalanish; kuzatishdan olingan natijalarni taxlil qilish; bunday darslarda o‘qituvchi: ta’lim va tarbiyani uyg‘unlashtiradi, mustaqil bilim olishni tashkil etadi, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantiradi.*

Darsni tashkil etganda o'quvchini ta'sir etuvchi ob'ekt sifatida emas, balki ijodiy jarayonda ishtirok etuvi xamkor deb qarash kerak. Ta'lim jarayonida o'quvilarning mustaqil bilim olishlarini yo'lga qo'yish, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantrish, erkin fikrlash, o'zaro muloqotlarda faol ishtirok etishga o'rgatish, o'qishga bo'lgan qiziqishlarini oshirish kabi o'quv faoliyat turlari ilgor zamonaviy pedagogik texnologiya asosini tashkil etadi.

Mustaqil o'quv faoliyat — chetdan har qanday ta'sirni talab etmaydigan, ijodiy yondoshuvni talab etadigan faoliyatdir. Bu sohadagi xar qanday ko'nikma insonning faqatgina faoliyati jarayonida shakllanib, rivojlanadi.

Kimyo o'qitishni amalga oshirishda ushbu faoliyat muhim hisoblanadi. CHunki kimyo tajriba faktlari asosida o'rganiladi, undan nazariy xulosalar chiqariladi, amalda foydalanish mumkin bo'lgan jihatlar qarab chiqiladi.

Kimyo darsini tashkil etish jarayonida eksperementda ham kuzatishlar, tajribalar bajariladi, labaratoriya ishlari o'tkaziladi. Bu ishlarni bajarishdan ko'zda tutilgan maqsad: o'quvchilarning aqliy qobiliyatlarini rivojlangarish, mustaqil va ijodiy fikrlash, ilmiy va o'quv bilish qobiliyatlarini kuchaytirishdan iborat

O'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini o'stirishda talab etuvchi ilg'or pedagogik texnologiyalar o'z navbatida kimyo ta'lim mazmunini zamonaviylashtirish, ya'ni, kursni ilmiy darajasini, fan va texnikaning zamonaviy yutuqlari darajasiga muvofiqlashtirishni talab etadi.

Demak, ilg'or pedogogik texnologiyalar o'z o'rnida kimyo ta'lim mazmunining ilmiyligini oshirishga imkon yaratdi.

Ilmiylik —kimyo ta'lim mazmunini uzviyligi bilan bevosita aloqadordir. Har ikki jihat kimyo ta'lim samaradorligini ta'minlashiga asos bo'ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Tursunov S.Q. Ta'limda elektron axborot resurslarini yaratish va ularni joriy qilishning metodik asoslari: Avtoref.dis. ... ped.fan.nomzodi. Toshkent. 2011. - 24 b.

2. Umonqulov G'. "D.I.Mendeleyev kimyoviy elementlar davriy sistemasi" elektron qo'llanmasi.

3. Xolmamatova L. Kimyo darslarini yangi pedagogik texnologiya asosida tashkil etish // Xalq ta'limi. 2007. No5. -81- 83 b.

# UZLUKSIZ TA’LIM JARAYONIDA TANQIDIY FIKRLOVCHI SHAXSNI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK JIHATLARI

***G.R.AKRAMOVA,***
*BuxDU “Boshlang‘ich ta’lim” kafedrasi dotsenti, p.f.n*

*Maqolada uzulksiz ta’lim jarayonida tanqidiy firklovchi shaxsni shakllantirishda uzviylikni ta’minlashning ayrim psixologik jihatlari yoritilgan.*
***Tayanch so‘z:** uzluksiz ta’lim, maktab, oliy ta’lim, uzviylik, tanqidiy tafakkur, fikr, ijodkor shaxs.*

*The article describes some psychological aspects of ensuring continuity in the formation of critical thinking during lifelong learning.*
***Key word**: continuing education, school, higher education, continuity, critical thinking, opinion, creative personality.*

*В статье описаны некоторые психологические аспекты обеспечения преемственности в формировании критической личности при непрерывном обучении.*
***Ключевое слова:** непрерывное образование, школа, высшее образование, преемственность, критическое мышление, мнение, творческая личность.*

Bugungi kun jahon pedagogikasi va ta’lim-tarbiya psixologiyasi oldida turgan muhim masalalardan biri, nafaqat bilimli, balki ijodiy tafakkur sohibi bo‘lgan, tanqidiy fikrlovchi shaxsni shakllantirishning yo‘l, usul va vositalarini izlash asosiy masalalardan hisoblanadi.

Ma’lumki, tanqidiy fikrlovchi, aqlan etuk, ruhan tetik, ma’nan barkamol shaxsni shakllantirish g‘oyasi insoniyatning paydo bo‘lishi davridan boshlangan bo‘lib, u shu davrlar oralig‘ida bosqichma-bosqich rivojlanib kelmoqda.

YUqoridagilardan kelib chiqib, bugungi kunda ta’lim jarayonida tanqidiy fikrlovchi shaxsni tarbiyalashda pedagogik psixologiyaning oldida turgan quyidagi dolzarb muammolarni belgilash mumkin:

– ta’lim maskanlarida (maktab va oliy ta’lim) o‘quvchi-talabalarni o‘qitish, shaxs sifatida shakllantirish (ijtimoiylashuv) jarayonini hozirgi zamon talablariga javob bera oladigan metodlar (uslublar, shakllar), vositalar, usullarni yangi mazmun bilan boyitish, monologik o‘qitish tizimidan dialogik, innovatsion (yangilikka asoslangan), hamkorlik (o‘qituvchi bilan talabalar faoliyatini uyg‘unlashtirish) singari ta’limning yangi turlariga o‘tish;

– mutaxassislar tayyorlash bo‘yicha o‘quv rejasi, dasturi va ularga asoslanib chop qilinadigan darsliklar, o‘quv qo‘llanmalar, ishlanmalar, ma’ruza matnlarini qaytadan ko‘rib chiqish, ularni mamlakatimiz hududlari xususiyatlarini hisobga

olgan holda takomillashtirish, yanada puxtalashtirish, mutaxassislikka bevosita aloqasi bo'lmagan o'quv fanlarini (materiallarini) oqilona qisqartirish va ta'limda inson omilini hisobga olish;

– ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchi-talabalarda fikrlashni shakllantirish, ularni ijodiy izlanishga o'rgatish, tanqidiy tafakkurni uzluksiz tarkib toptirishga erishish;

– ta'lim muassasalarida iste'dodli talabalar faoliyatini tashkil etish, ijodiy topshiriqlarning rang-barangligini ta'minlash va ushbu topshiriqlarning bajarish layoqatini shakllantirish, ijodiy unsurlarning mavjudligi va uzluksizligini anglab etish, bashorat qilish layoqatini rivojlantirish, o'quvchi-talabalarni nostandart topshiriqlarni bajarishga yo'naltirish, ijodiy izlanishni xohish, layoqat, mayl va motividan kelib chiqqan holda tashkil qilishni yo'lga qo'yish;

– ta'lim jarayonida muammoli vaziyatlarni yuzaga keltirish (masalan, tanqidiy fikrlashning asosiy omillariga tavsif bera olasizmi?). Ushbu vaziyatni yanada yaqqollashtirish uchun «Tanqidmy fikrlovchi insonning psixologik portretini hamda jismoniy tuzilishini ko'z o'ngingizga keltiring, uni tasavvur qiling» degan yo'llanma berishning o'zi kifoya. SHuningdek, murakkab topishmoq shaklidagi testlarni talabalar ixtiyoriga berish.

– ta'limni faol uslublar negizida qurish lozim, toki bunda o'qituvchi bilan o'quvchi-talaba hamkorligi ustuvor o'rin egallasin. Test, bahs, ishbilarmonlik o'yinlari, keys-stadi, murakkablashtirilgan pedagogik muammo, evristika, trening, psixodrama, boshqotirma, fikrlar jangi kabi faol, tanqidiylikka etaklovchi o'qitish metodlari va shakllari ta'limning negiziga aylanishini ta'minlash;

– maktab va oliy ta'lim muassasalari o'quv mazmunini yaratishda o'quvchi-talabalarning uzluksiz tanqidiy tafakkurini shakllantirib borishda uzviylikni inobatga olish. (masalan, maktabda tanqidiy tafakkurning qaysi elementlari shakllantiriladi va oliy ta'limda shakllangan elementlarni rivojlantirish va yangi tandiy tafakkur elementlarini shakllantirish).

Ta'kidlash joizki, tanqidiy fikrlovchishaxsni tarbiyalash bo'yicha bugungi kunda ta'lim-tarbiya tizimidagi o'rni kelganda, ayrim an'anaviy dars shaklini saqlab qolgan holda, unga turli-tuman ta'lim oluvchilar faoliyatini faollashtiruvchi, o'quvchi-talabalarni tanqidiy fikrlashga undovchi interfaol ta'lim metodlari bilan boyitish maqsadga muvofiqdir.

Zero, dars jarayonini oqilona tashkil etish, ta'lim beruvchi tomonidan ta'lim oluvchilarning qiziqishini orttirib, ta'lim jarayonidagi faolligi muttasil rag'batlantirilib turilishi, o'quv materialini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib, ularning

mazmunini ochishda turli xil zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanish va ta'lim oluvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash tanqidiy fikrlovchi, ijodkor shaxslarni tarbiyalash garovidir.

Bugungi kunda raqobatchilikka asoslangan bozor iqtisodiyoti tezkor, tadbirkor, sharoitga ko'ra ish tuta biladigan, maqsadga erishish yo'l, usul va vositalarini zudlik va oqillik bilan yangilay oladigan faol shaxslarga muhtojlik sezmoqda. SHuning uchun G'arb davlatlarida ta'lim va tarbiya tizimiga bixevioristik yondashuvdan kognitiv yondashuvga qarab siljish kuzatilmoqda. Inson faoliyatini baholashda kognitivizm o'tgan asrning 60-yillarigacha bo'lgan pedagogika va psixologiyada hukmron bo'lgan bixevioristik yondashuvdan quyidagicha farqlanadi:

a) bixevioristik yondashuvda inson xatti-harakatlari tashqi muhit ta'siri bilan belgilanadigan, ko'p hollarda ongsiz reaksiyalar majmuasi sifatida tushuniladi;

b) kognitiv yondashuvda bu xatti-harakatlarda onglilik, ta'lim asosida hosil qilingan malaka va ko'nikmalar ustunligi tan olinadi.

Bulardan ko'rinib turibdiki, bixevioristik yondashuvda inson ta'lim-tarbiyasi sust, kognitiv yondashuvda esa ular faoldir. Bozor iqtisodiyotida yashash sharti esa insoniy faollikni talab qiladi. SHuning uchun ham AQSH va boshqa G'arb davlatlarida o'tgan asrning 60-yillaridayoq kognitivizm zudlik bilan pedagogika, pedagogik psixologiya va didaktika tizimlariga kirib kela boshladi. O'sha davrda ancha ommalashgan ta'limning verbal (ya'ni, ta'lim-tarbiya jarayonidagi kommunikativ muloqotda ta'lim oluvchining faolligi va o'zligini namoyon qilishga yo'naltirish) usullari bilan birlashib, pedagogik psixologiyada ongli, verbal, kognitiv ta'lim yo'nalishlari shakllandi.

Pedagogik psixologiyada tanqidiy fikrlovchi shaxsni tarbiyalashda ta'limni tashkiletish, ta'lim jarayonida ta'limning interfaol usullaridan keng foydalanish ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalashning asosiy pedagogik-psixologik omillaridan biri sifatida qaraladi.

Ta'lim oluvchilarni tanqidiy fikrlashga undovchi interfaol ta'lim metodlarining pedagogik-psixologik mohiyati shundaki, oddiy munozarada bahslashuvchilar ko'proq ongli, asosli fikrlarni bayon etishga harakat qiladilar va tanqidiy faoliyat yuritish natijasida ta'lim oluvchi shaxsida ijodkorlik xislatlari shakllanadi. Bunda bahslashuvchilarga miyaga qanday fikr quyilib kelsa, uni tanqidsiz va asoslamay erkin, «tilga nima kelsa», lekin navbatma-navbat aytish imkoniyati beriladi. Bu narsa ko'proq muammo ancha notanish, savol murakkab yoki noaniq bo'lgan sharoitlarda qo'l keladi. YA'ni bunda«erkin assotsiatsiyalar»ga imkon beriladi va oxir-oqibat talabaning o'zi muammoning ma'lum ratsional «mag'zni» ajratib oladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, bugungi kunda uzluksiz ta'lim jarayonida

tanqidiy fikrlovchi shaxsni tarbiyalashning asosiy yo‘nalishlari sifatida quyidagilarni ko‘rsatish mumkin:

– «ta’limni industrlashtirish», ya’ni kompyuterlashtirish va texnologiyalashtirish asosida hozirgi zamon jamiyatining aqliy faoliyatini kuchaytirish;

– ta’limning hozirgi vaqtgacha ustunlik qilgan axborot beruvchilik shakllaridan faol o‘qitish metodlari va shakllariga o‘tish. Bu yo‘nalish «xotira maktabi»dan «tushunish maktabi», «tafakkur maktabi»ga o‘tishdan iborat;

– o‘quv-tarbiyaviy jarayonni tashkil qilish va boshqarishda qat’iy belgilangan nazorat usullaridan rivojlantiruvchi, faollashtiruvchi, takomillashtiruvchi usullarga hamda o‘yin usullariga o‘tish. Bu esa uzluksiz ta’lim oluvchilarning tashkiliy-ijodiy, tanqidiy faoliyatini qo‘llab-quvvatlash va uni rivojlantirish imkoniyatini yaratadi;

– uzluksiz ta’lim oluvchi va pedagog o‘rtasidagi o‘zaro hamkorlikdagi faoliyatni tashkil etish, ya’ni ta’lim oluvchilarni birgalikdagi jamoa faolligi sifatidagi ishtirokini ta’minlash. Bunda asosiy urg‘u o‘qituvchining bilim berish faoliyatidan talabaning bilim olish faoliyatiga o‘tkaziladi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, yuqorida ta’kidlangan fikrlar bizning uzluksiz ta’lim-tarbiya jarayonida ta’lim oluvchilarda tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy va hayotiy kuzatuvlarimiz asosida shakllangan qarashlardir. Ammo, nazarimizda bu kabi fundamental masalalar ta’lim-tarbiya jarayonida ta’lim oluvchilarning tanqidiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishda va ijodkor shaxsni tarbiyalashda o‘ziga xos o‘rin tutadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик технологияси. – Т.: «Университет», 2000.

2. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Танқидий фикрлаш. / Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2000. –112-б.

3. Матюшкин А.М. Некоторые проблемы психологии мышления. «Психология мышления». / Сборник переводов с английского и немецкого под ред. А.М.Матюшкина. М.: «Просвещение», 1965.

4. Муҳаммаджонов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начала XX в. – Т.: «Фан», 1978. -С. 44.

5. Рахманова Н.Р., Умаров Б.М. Психологические основы учебно-познавательной деятельности вуза. – Т.: ИПТД имени Гафура Гуляма, 2008. -С. 67.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ДАРС ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРГА ҚУЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР

***Ж.Г.ХАЛМУРАТОВА,***
*ТТЕСИ"Педагогика ва жисмоний маданият" кафедраси катта ўқитувчиси*

*Ушбу мақола узлуксиз таълим жараёнида дарс таҳлилини амалга ошириш ва уларга қуйиладиган педагогик талаблар масаласига бағишланган. Мақолада дарс таҳлили ҳақида тушунчалар келтириб ўтилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *узлуксиз таълим, узлуксиз тарбия, дарс кузатуви, ва таҳлили, касбий фаолият, уйғунлик.*

*Эта статья посвящена предметному анализу процесса непрерывного образования и предъявляемым требованиям к педагогическим требованиям. А также представлен обзор анализа учебного курса предмета.*

***Ключевые слова****: непрерывное образование, непрерывное образование, курс наблюдения и анализа, профессиональная деятельность, гармония.*

*This article is devoted to the substantive analysis of the process of continuing education and the requirements for pedagogical requirements. And also provides an overview of the analysis of the subject course.*

***Key words****: continuing education, continuing education, course of observation and analysis, professional activity, harmony.*

Таълимнинг янгиланган мазмуни ва унинг самарадорлигини ўрганиш дарс кузатуви ва таҳлилидан бошланади. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида узлуксиз таълим мазмуни янгиланиб, давр талаби билан ҳамоҳанг бўла оладиган яхлит тизим шаклланди.

Ўтган асрнинг охири ва XXI аср бошларидан эътиборан педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқига оид янгича қарашлар ҳамда тадқиқот ишлари юзага чиқа бошлади. Монографик изланишлар билан бир қаторда дарслик, ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар, илмий мақолалар инновацион ёндашувларнинг моҳиятини ёритишга қаратилди.

Педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов ва О.Сувоновлар томонидан ҳамкорликда инновацион технологияларни нафақат таълим жараёнига, балки, тарбия жараёнига тадбиқи, жумладан узлуксиз таълим ва узлуксиз тарбия технологиясининг узвийлиги масаласи, бу ўринда педагогик техника асосида педагогик технологияларни такомиллашти-

ришнинг илмий ҳам илмий-методик хусусиятларига оид изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотчи Н.Х. Авляқулов модулли ўқитиш ва унинг истиқболлари тўғрисида ўқув-методик тавсиялар ишлаб чиқди. У асосан модулли ўқитиш принципларига таянган ҳолда ўзига хос илмий-амалий ?амда ўқув-билув жараёнини ёритишга қаратилган қўлланмалар яратди .

Педагогика фанлари доктори, профессор Н.Н.Азизхўжаева педагогик технологияларнинг моҳиятини асослаш билан бирга ўқитувчи шахсининг педагогик маҳорати қирраларини ёритиб боришга ҳаракат қилган .

Замонавий педагогик технологиялар татбиғига асосланган ўзув зўлланма Х.И.Ибрагимов ва Ш.А.Абдуллаевалар томонидан тайёрланган бўлиб, ҳар бир мавзу юзасидан мазсад ва вазифаларнинг аниз қўйилиши талабаларни билим олиш имкониятларини кенгайтиради .

Б.Т.Лихачев томонидан тайёрланган ўқув қўлланмада узлуксиз таълим-тарбиянинг қонуниятлари билан боғлиқ равишда технологик ёндашувлар моҳияти очиб берилган. Жумладан муаллиф ҳар қандай технологияни инсоннинг ҳаётий эмоционал мулоқотига алмашиб бўлмаслигига алоҳида урғу бериб ўтган .

Профессор И.П.Подласый томонидан яратилган икки жилдли янги курс ўзининг назарий-методологик асослари, бу ўринда узлуксиз таълим-тарбия жараёнига бўлган яхлит ёндашувлар, ўқитувчининг бошқарув функцияси ҳамда ушбу жараёнда касбий ва касбий бўлмаган фаолиятнинг бир-биридан фарқи, уни таълим-тарбияга бўлган таъсири очиб берилган. Ўқитувчининг касбий фаолият тузилмасида инновацион хусусиятларга алоҳида урғу бериб ўтилган. Идеал ўқитувчининг мутахассис, ходим ва инсон сифатидаги тузилмавий хусусиятлари уйғунликда олиб ўрганилган.

Бу ўринда В.А.Сластенин ҳамда унинг шогирдлари билан ҳаммуаллифликда тайёрланган педагогикадан дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар ўзининг тили, услуби, илмий ҳамда инновацион ёндашувлари билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, педагогик жараённи бошқаришда ўқитувчининг касбий фаолияти ўрнига алоҳида эътибор қаратилган .

Психологиядан маълумки, дастлабки билимлар, ахборотлар талаба онгига ассоциатив йўл билан кириб боради. Жумладан, ўрганилаётган

нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро ўхшашлиги, ёндашлиги, қарама-қаршилиги мавжуд бўлганлиги сабабли улар енгилроқ ўзлаштирадилар. Баъзан қонун ва қоидалар маъносига тушунмай, механик равишда ёд олинади. Лекин ундай материаллар эсда пухта сақланмайди. Ана шунинг учун ўқув материаллари моҳиятини имкони борича мантиқий йўл билан эсда олиб қолиш юксак самаралар беради. Айниқса, эсда олиб қолишнинг омилкор усулларидан фойдаланиш ўзлаштириш сифатини оширади.

Педагог олимлардан Н.Сайидахмедов, Р.Сафарова, Ў.Қ.Толипов, Б.Л.Фарберманлар Б.Блум таксономияси моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, узлуксиз таълим мазмунини замонавий педагогик технологиялар тадбиқига мувофиқ янгилаш асосида таълим самарадорлигига эришишнинг оптимал (қисқа фурсатли, қулай) йўлларини излаб топишга эришдилар. Айниқса, шахсга йўналтирилган таълимнинг амалий самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларнинг ишлаб чиқилиши, таълим мақсадларига эришишни янада ойдинлаштиради.

Кўриб ўтилган тадқиқий – ижодий ёндашувлар, дарс кузатуви асосидаги таҳлиллар жараёнида ўқитувчи томонидан албатта ҳисобга олиниши зарур бўлган жиҳатларни белгилаб беради.

Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда узоқ муддатга эсда сақлаб туриши ва лозим пайтларда эсга тушириши муҳим аҳамиятга эга..

Кейинги икки жараённи тўлақонли амалга ошуви мақсад, мотив ва эҳтиёжнинг уйғунлигидан келиб чиқишини кўрсатади.

Таъкидлаб ўтилганидек, аниқ қўйилган мақсадни мотивга айланиши, мотивлар тизимининг барқарорлашувига олиб келишини кўрсатди. Агар бу жараёндаги мотив тўлақонли эҳтиёжга айланса, ўқувчи-талаба томонидан эгалланаётган билим, кўникма ва малакалар унинг шахсий мулкига айлана олишини билдирди. Шунинг учун ўқувчи-талаба билимларни эсда олиб қолиш ҳисобга баҳоланса, бу шароитда баҳо маълум вақтдан сўнг ўз кучини йўқотади. Оператив (тезкор) хотира ҳисобига ўрганилган билим мантиқий тафаккур билан боғлана олмаса, аста-секин унитила бошлайди.

Ўқитувчи талабаларда эсда олиб қолиш установкаларини ҳосил қилишда қайси материални узоқ муддат сақлашни, қайси туркумдаги материални сидирғасига эмас, балки моҳиятини тушуниб олишни, ни-

маларни айнан эсда олиб қолишни, қандай ахборотларни ўз сўзи билан ифодалаган ҳолда хотирасига жойлашнинг йўл ва воситаларини тушунтириб бериши лозим.

Установкалар таълим жараёнида объектив омил ва кундалик зарурият эканлигини талаба англаб етиши шарт. Улардаги оддий установкалар аста-секин ижтимоий установкага ўсиб ўтиб, шахсда қадриятни вужудга келтиради.

Шахс эҳтиёжи онгли ва асосли равишда жамият эҳтиёжни ҳамда жамият манфаати билан уйғунлашган тақдирда малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашиб боради (1-расм).

1-расм




Бу ўринда, малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга дахлдор шахс-ўқитувчининг касбий педагогик фаолияти қуйидаги тузилмадан ташкил топади (2-расм).

2-расм




Бир-бири билан узвий боғланган фаолият тузилмаси (компонентлар) илмий-педагогик мазмунга эга бўлиб, ўқитувчи шахсининг кундалик фаолият йўналишини белгилаб беради. Бунинг заминида шахс ва унинг камолоти туради.

Мақсад ва мотивлар каталогини ўрганишга қаратилган илмий таҳлиллар шу нарсага аниқлик киритдики, талаба олий ўқув юртини битириб, унинг дипломли мутахассис бўлиши, асосан қўйилган мақсад ва мотивлар уйғунлиги билан боғлиқ бўлиб, бу жараён таълим самарадорлиги ва эгалланаётган касбий педагогик фаолиятга ўз таъсирини кўрсатади.

Ўқув юртининг илмий ва педагогик кадрларида касбий ривожланиш-

нинг мавжудлиги таҳлили билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқиш, мутахассиснинг малакасини ошириш муаммолари, касбий фаолиятини самарали ташкил этиш муаммоларга айланиб боради ва уларни муҳокама қилишда профессионал фаолият инсон ҳаётининг муҳим қисми ҳисобланади

Юқорида таъкидланганидек, бу борада мақсад эҳтиёж даражасига кўтарилгандагина шахс эътиқоди кафолатли натижани беради. Тадқиқотга оид кузатувлар, мақсад ва мотив уйғунлиги эътиқод даражасига кўтарила олмаса, талаба олий ўқув юртини битиргач, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлолмаслиги мумкинлигини кўрсатди. Айрим объектив ёки субъектив характердаги иқтисодий ёки ижтимоий мотивлар устуворлиги уни бошқа соҳага ўтишга ундаши ёки қайтадан касб танлашга йўналтириши мумкин.

Шунинг учун кафолатли натижага эришиш ўз-ўзидан вужудга келмай, аксинча самарали касбий педагогик фаолиятнинг маҳсули ҳисобланади. Бу икки томонлама характердаги мураккаб педагогик - психологик жараён бўлиб, “ўқитувчи ⇄ талаба”, “ўқитувчи ⇄ ўқувчи” ва “ўқитувчи ⇄ раҳбар”нинг “субъект ⇄ субъект” фаол муносабатлари асосида қарор топади. 1-2 расмларда ифодаланганидек, қайтар алоқанинг ўрнатилиши, яъни эҳтиёж айни пайтда мотив ва мақсадни белгилаши ёки кафолатли натижани ғоя билан узвий боғлиқлиги, ўзаро муносабатлар мувозанатида ривожлантирувчи куч вазифасини ўтайди.

Дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ўз ечимига эга бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдукаримов Ҳ. Сувонов О. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: Мумтоз соз, 2010.-75 б.

2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: 2003.-174 б.

3. 2. Medvedeva, T.Yu.[a]Email Author, Vaskina, A.V.[b]Email Author, Sizova, O.A.[a] The problems of designing the professional development of scientific and pedagogical personnel in modern conditions Volume 34, Issue 4, July-August 2018, Pages 39-44

4. Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций. – М.: Юрайт, 2001.-608 с.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА МАТЕМАТИК ВА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

***Г.С.ХУЖАНИЁЗОВА,***
*ТМИ ўқитувчиси*

*Ушбу мақолада математика ва молиявий-иқтисодий циклдаги фанлар интеграциясини амалга ошириш кўриб чиоилган. Математика ўқитиш жараёнида талабаларнинг интегратив билимларини такомиллаштириш имкониятлари очиб берилди.*

***Таянч сўзлар:*** *интеграция, фанлар интеграцияси, таълим интеграцияси, иқтисодий жараёнларнинг математик модели.*

*В статье рассматривается реализация интеграции математики и дисциплин финансово-экономического цикла. Открыты возможности совершенствования интегрированных знаний студентов в процессе обучения математики.*

***Ключевые слова:*** *интеграция, интеграция наук, интеграция образования, математическое моделирование экономических процессов.*

*In this paper the realization of integration of mathematics and the disciplines of the financial and economic cycle are considered. It is opened the opportunities to improving the integrated knowledge of students in the process of teaching mathematics.*

***Key words:*** *integration, integration of sciences, integration of education, mathematical modeling of economic processes.*

Республикамизда “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш”[1] , жумладан, замонавий жаҳон иқтисодиёти ва халқаро стандартлар талабларига мос, Ўзбекистон иқтисодиётининг динамик ривожланиши шароитида касбий масалаларни мукаммал еча оладиган, иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган иқтисодчи кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим. Бу масала замонавий иқтисодий фанларда математиканинг кенг қўлланилиши билан узвий боғлиқ.

Математик таълимда математик ва иқтисодий билимлар интеграцияси узлуксиз амалга оширилиши мумкин – умумий ўрта таълим – олий таълим.

[1]Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари // Т.: “F.Fулом”, –2017.- 70 б.

Умумий ўрта таълим мактабларида математика ва иқтисодий билимлар интеграцияси икки мақсадга эришишни кўзлайди. Улардан бири ўқувчиларига математика методларини реал иқтисодий вазифаларни ҳал этишда қўллаш самарадорлигини намойиш этиш ва шу орқали математиканинг борлиқ билан алоқадорлигини ва унинг абстракт тузилишининг реал мазмун-моҳиятини кўрсатишдан иборат. Иккинчи мақсад иқтисодий фикрлаш тарзини – математика ва иқтисодиёт аппаратини аниқ иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил этиш учун қўллай олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

Республикамиз педагог-олимлари томонидан математик ва иқтисодий билимлар интеграцияси масалалари бўйича бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, ўқув ва услубий қўлланмалар яратилган.

Ш.Саипназаров[5]нинг тадқиқит иши академик лицейлар математика курсида ўқувчиларнинг иқтисодий кўникма ва малакаларини ривожлантириш, Б.Отаниёзов[4]нинг тадқиқот иши эса иқтисодий масалаларни математик моделлаштириш асосида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга бағишланган. А.Сувонқулов[7]нинг тадқиқот иши математика ўқитишда 5-6-синф ўқувчиларига иқтисодий таълим тарбия беришнинг услубий хусусиятларига бағишланган. Қ.Сафаева ва Ф.Шомансурова [6] томонидан статистика йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ёзилган “Иқтисодиётда математика” номли ўқув қўлланмада, иқтисодий мазмундаги математик масалаларни ечиш ва таҳлил қилиш муаммолари атрофлича ўрганилган. Г.Хужаниёзова [8] томонидан академик лицейлар ўқувчилари учун ёзилган “Математика ва иқисодий билимлар интеграцияси” номли услубий қўлланмада математик таълим интеграциясини амалга ошириш усуллари, услубий шакллари аниқланган. Математик таҳлилни ўқитишда математик ва иқтисодий билимлар интеграциясига оид назарий билимлар, иқтисодий мазмундаги масалалар тизими ишлаб чиқилган.

Аммо ҳозирги вақтга қадар умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитишда математик ва иқтисодий билимлар интеграциясини амалга ошириш бўйича ўқув қўлланмалар, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар, дидактик материаллар етарли эмас.

Математик ва иқтисодий билимлар интеграциясини амалга ошириш йўналишларидан бири математика курсининг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш (иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни тузиш, унинг методик ва дидактик таъминотини яратиш). Бу масала 7-9 синфлар “Алгеб-

ра" фани, 10-11 синфлар математика курсининг "Алгебра ва анализ асослари" бўлими дастурлари доирасидан, 8-9 синфлар "Иқтисодий билим асослари" фани ва 11-синфда ўқитиладиган "Тадбиркорлик асослари" фанлари дастурлари доирасидан ташқарига чиқувчи ҳажмдаги математик ва иқтисодий билимларни талаб қилмайдиган содда математик моделларга эга иқтисодий мазмундаги махсус тузилган масалалар билан ҳал этилади. Бундай масалаларни математикадан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар (интегратив дарслар, интегратив тўгараклар)да ечиш тавсия қилинади.

Умумий ўрта таълим мактаблари дарслик ва ўқув қўлланмалари таҳлили шуни кўрсатадики, амалдаги мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларида замонавий жамиятда ҳар бир инсон учун аҳамиятли иқтисодий тушунчалар (фойда, даромад, таннарх, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик, солиқ, талаб ва таклиф функциялари, банк кредити йиллик фоиз ставкасини танлаш ва ҳоказолар) билан боғлиқ иқтисодий мазмундаги амалий масалалар етарли эмас.

Масалалар тузиш математика дарсларида ўқувчиларни таништириш мумкин бўлган оддий иқтисодий тушунчаларни аниқлашдан бошланади (1-жадвал).

1-жадвал

| ***7-9 синфлар математика таълимининг асосий йўналишлари*** | ***И□тисодий билимлар*** |
|---|---|
| ***Сон ва □исоблашлар*** | *Чи□им, даромад, фойда ва зарар. Ма□сулот таннархи ва самарадорлик. Ме□нат унумдорлиги ва □осилдорлик. Ўртача ми□долар, медиана ва мода. Фоизга доир и□тисодий мазмундаги масалалар.* |
| ***Ифодаларни айнан алмаштириш*** *(Алгебраик ифодалар)* | *Ялпи миллий ма□сулот. И□тисодий ўсиш. Инфляция даражасини □исоблаш. Нарх индекслари. Пул муомаласи □онуни. Фишер тенгламаси. Реал ва номинал иш □а□и. Соли□лар. Иш □а□идан олинадиган даромад соли□ини □исоблаш. Ишсизлик даражасини □исоблаш. Импорт ва экспорт. Давлат тўлов баланси. Валюта курси.* |
| ***Тенглама ва тенгсизликлар*** *(Бир номаълумли биринчи даражали тенгламалар, икки номаълумли иккита чизи□ли тенгламалар системаси, квадрат тенгламалар, иккинчи даражали тенглама □атнашган энг содда системани ечиш)* | *Бозор мувозанатини топиш. Ма□сулотнинг бозор (мувозанат) нархи.* |
| ***Функциялар*** *(Чизи□ли функция, квадрат функция, даражали функция)* | *И□тисодиётда функциялар талаб функцияси, таклиф функцияси, ишлаб чи□ариш функциялари, умумий □аражат, ялпи даромад ва фойда функциялари. Жадвал, график, аналитик усулларда берилган функцияларнинг и□тисодий маъноси.* |

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфлари математика курсининг алгебра ва анализ асослари бўлимида “Молия математикаси элеменлари”, “Ҳосила ва унинг татбиқлари”, “Интеграл ва унинг татбиқлари”, “Комбинаторика элементлари” каби боблар, математик статистика элементлари, эҳтимоллар назарияси элементларининг киритилиши математик ва иқтисодий билимлар интеграциясини амалга ошириш, иқтисодий жараёнлар моҳиятини математик усуллар билан таҳлил қилиш асосида чуқурроқ ўрганиш, математиканинг амалий иқтисодиётдаги тадбиқи билан яқиндан танишиш, ўқувчиларнинг иқтисодий-математик тафаккурини оширишга хизмат қилади.

10-11-синфлари учун амалдаги дарсликда иқтисодий мазмундаги амалий масалалар қониқари даражада ёритилган [4-5].

Маълумки шу давргача иқтисодиёт ОТМ талабалари учун математика бўйича адабиётларда асосий эътибор чизиқли алгебра, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, математик программалаштириш бўлимларини ўрганишга қаратилди ва асосан қуйидаги иқтисодий масалаларни ечишнинг математик методлари қаралган:

– ишлаб чиқариш-бошқаришга оид масалалар (ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланиш масаласи, транспорт тақсимоти масаласи, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси масалалари, тармоқлараро режалаштириш масаласи, заҳираларни оптимал бошқариш масаласи ва ҳоказолар);

– ахборотни тўплаш ва уларни статистик қайта ишлаш масаласи.

Математик анализнинг “Бир ва кўп ўзгарувчили функция”, “Бир ва кўп ўзгарувчили функциянинг дифференциал ҳисоби”, “Интеграл ҳисоб”, “Дифференциал тенгламалар”, “Қаторлар назарияси” каби бўлимларига кўпроқ умумтаълимий аҳамият берилди. Математик аппаратдан фойдаланилган ҳолда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш масалалари етарлича ишлаб чиқилмаганлиги талабанинг яхлит фикрлашига имкон бермайди.

Иқтисодиёт соҳасидаги бўлажак мутахассис бу бўлимларнинг интегратив йўналтирилганлиги ва амалий аҳамиятини билиши ниқоятда зарур.

Узлуксиз таълимда математик ва иқтисодий билимлар интеграциясини такомиллаштириш масаласини қуйидаги вазифаларни ҳал этишда кўрамиз:

– Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида математика курсида иқтисодиётнинг математик мо-

делларини қуриш ва тадқиқ қилиш асосида математик таълимнинг интегратив йўналтирилганлик муаммосини ечишга янги ёндашувларни топиш;

– узлуксиз таълимда математик ва иқтисодий билимлар интеграциясининг имкониятлари ва чегарасини аниқлаш;

– математика ўқитишнинг турли босқичларида иқтисодий мазмундаги амалий йўналтирилган масалаларни ечиш учун математика курсида математик тушунчаларни қўллаш имкониятларини тадқиқ қилиш ва бу йўлда дарсликларнинг янги авлодларида масала ва машқлар мазмунини янгилаш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni.

2. Мирзааҳмедов М.А., Исмаилов Ш.Н., Аманов А.Қ., Хайдаров Б.Қ. Математика 10. Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарслик. Тошкент: 2018.

3 Мирзааҳмедов М.А., Исмаилов Ш.Н., Аманов А.Қ., Хайдаров Б.Қ. Математика 11. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарслик. Тошкент: 2018.

4. Отаниёзов Б. Иқтисодий масалаларни математик моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш. //Пед. фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. - Тошкент: 2000 йил.

5. Саипназаров Ш.А. Академик лицейлар математика курсида ўқувчиларнинг иқтисодий кўникма ва малакаларини ривожлантириш. //Пед. фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Тошкент: 1998. -142 б

6. Сафаева Қ. ва Шомансурова Ф. Иқтисодиётда математика. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: "IQTISOD-MOLIYA", 2010. –Б. 244..

7. Сувонқулов А.К. Математика ўқитишда 5-6 синф ўқувчиларига иқтисодий таълим- тарбия беришнинг услубий хусусиятлари. //Пед. фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Жиззах 1994 йил.

8. Хужаниёзова Г. Математика ва иқтисодий билимлар интеграцияси. Услубий қўлланма.-Тошкент.: "Extremum -Press", 2012. –Б. 120.

# УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ “STREETWORK” ТЕХНОЛОГИК ДАСТУРИ АСОСИДА УЗЛУКСИЗ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

***Ҳ.Ҳ.ХАЙДАРОВ,***
*ТДПУ магистранти*

*Мазкур мақолада ёшлар билан ишлаш, хусусан уюшмаган ёшлар билан ишлашни узлуксиз ташкил этишда хориж тажрибаси ҳақида маълумот берилган. Жумладан уюшмаган ёшлар билан ишлашда хориж тажрибаси сифатида “Streetwork” технологияси мақсади, тамойиллари ва босқичлари ёритилган.*

***Таянч сўзлар:*** *ёшлик даври, ёшлар, уюшмаган ёшлар, “Streetwork” технологияси, мақсади, тамойиллари, босқичлари*

*В этой статье рассматривается практика работы с неорганизованными молодежами в развитих странах мыра. Раскрыта как пример работа с неорганизованными молодежами цель, принципы в этапи технология “Streetwork”.*

***Ключевые слова:*** *молодежь, юношеский возраст, неорганизованная молодежь, технология “Streetwork”, цели, принципы, этапы.*

*This article gives information about foreign experience on how to work with young people, especially in working unorganized youth the purpose, principles and stages of the “Streetwork” technology illuminated.*

***Key words:*** *period of youth, youth, unorganized youth, “Streetwork” technology, goals, principles stages.*

2017-йилнинг 30-июнь куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида Президентимиз: “Биз “уюшмаган ёшлар, уюшмаган ёшлар”, деб кўп гапирамиз. Лекин бу масалани ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очиқ айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилиш лозимлигини билмаймиз”, деб фикр билдирдилар. Албатта уюшмаган ёшлар билан ишлашга келганда, олдимизда кўплаб саволлар туғилади ва муҳим масалалар кўндаланг туради. Ёшларнинг бу қатлами шаклланишига, асосан, оиладаги муҳит ва атрофдаги турли хил нохуш жараёнлар ва воқеалар сабаб бўлади.

Ўзбекистон таълим тизими механизми бўйича, ёшлар 18 ёшгача мактаб таълими ва ўрта-махсус таълим билан банд бўладилар. Мажбурий таълим ниҳоясига етгач, ёшлар қатламининг ҳаёт йўли танловлари вужудга келади: маълум қисми олий таълимга ва бошқа бир қисми меҳ-

нат фаолиятига юзланади. Ушбу икки йўлдан бирига ўта олмаган ёшлар уюшмаганлик ҳолатида туриб ҳолади.Уларнинг қатори олий таълимдан сўнг келажагини қуришда иккиланган ёшлар ҳисобидан кенгаяди.

Хўш уюшмаган ёшлар кимлар? Социолог олим Мансур Бекмуродовнинг берган таърифига кўра: “Уюшмаган ёшлар - бирор-бир жойда расман фаолият юритмайдиган, таълим олиш билан шуғулланмаётган, муайян ҳунар ва касб-кор билан мунтазам банд бўлмаган, давлат ва жамият томонидан амалга ошоирилаётган ислоҳотларни қўлламайдиган, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда лоқайд ва бефарқ бўлган ёшлар ҳисобланади”.

Юқорида келтирилган муаммо ва масалаларни ҳал этиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қуйида шундай дастурлардан бири “StreetWork” технологик дастури ва уни қўллаш технологияси ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ушбу дастур уюшмаган ёшларни ахборот билан таъминлаш ва уларни шаҳарнинг ижтимоий-маданий муҳитига фаол жалб қилишни ўз ичига олади. “StreetWork” (кўчада ижтимоий иш) ижтимоий ҳодимларнинг алоҳида фаолият тури сифатида XX асрнинг бошида АҚШда юзага келган. У ерда 20 йилларнинг охирида, айниқса, катта шаҳарларнинг криминал зоналарида (уюшмаган ёшлар ўртасида жиноятга мойиллик) жуда катта суръатларда ўсганлиги сабабли, “StreetWork” технологиялари, ҳамда ижтимоий-педагогик дастурлардан фойдаланилган. Бугун кўчада ижтимоий иш бу – ижтимоий йўналтирилган фаолият бўлиб, кўплаб Европа мамлакатларида кенг миқёсда фойдаланилади.

“StreetWork” технологик дастури Буюк Британияда «Detached YouthWork» номи билан маш?ур, Францияда «Travailleursdela Rue», Нидерландияда «Street CornerWork», Швейцарияда «Gassenarbeit» ва ҳ.к.

XX асрнинг 90 йилларида уюшмаган ёшлар билан ишлаш технологияси «StreetWork» Осиё ва Африка давлатларида, шунингдек, Шарқий Европа мамлакатлари, ҳамда Россияда ҳам фаол даражада ривожланиб келмоқда. «StreetWork» ижтимоий иши фаолият методи сифатида, ҳозирги кунда ижтимоий ҳавфли ҳолатда бўлган кенг доиралардаги гуруҳларга ва алоҳида (индивидуал) тартибида қўлланилади.

Маълумки, шаҳарда уюшмаган ёшлар гуруҳлари ва жамоалари кўпроқ кўзга ташланади, одатда уларнинг аксарият қисми ҳаётий қийин вазиятга тушган, муваффақият, ижтимоийлашиш ва ёрдамга муҳтож (моддий, ижти-

мойий, психологик ва ҳ.к) ўспиринлар ва ёшларни ташкил этади. Ёшлик даври 14-ёшдан 30ёшгача бўлган ёш даврларини ўз ичига олади.

Уюшмаган ёшлар гуруҳининг пайдо бўлишига кўпинча, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этилмагани натижасида тартибсизлик, ўз-ўзидан негатив кайфиятдаги гуруҳларнинг шаклланиши, бу эса уларни маълум бир бирлаштирувчи омилга эга бўлади, натижада улар орасидаги ўхшаш қизиқишлар, эҳтиёжларни пайдо қилади. Шу йўсинда ёшлар маълум бир гуруҳларга, жамоаларга бирлашади. Шунга кўра, уюшмаган ёшлар билан ишлаш «StreetWork» лойиҳасининг амалга ошириш концепциясининг асосий омили, бу ёшларнинг муҳити (“кўча”, “ташкиллаштирилмаган” муҳит) ўспиринлар ва ёшлар учун муло?от, ўйин, иш яшаш жойи ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Шу билан бирга кўча - шахслараро ва гуруҳлараро низо ва муаммоларни ҳал қилиш жойи ва ижтимоий фаолият майдони бўлиб ҳисобланади.

«StreetWork» технологияси мақсади - максимал даражада уюшмаган ёшлар гуруҳлари, муомалага пассив ёки ушбу мулоқотга раҳбатлантирилмаган ёшлар билан алоқа ўрнатиш, уларнинг оилавий муҳитлари ва вақтини ўтказувчи жойларга бориб, келажакда уларни педагогик, психологик ва ижтимоий йўналтириш, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий мавқеини тиклашдир.

«StreetWork» технологиясининг асосий методи “Мен сенинг олдинга бораман” ва “Мен сенинг худудингда меҳмонман” калит жумлаларига асосланишдир.

«StreetWork» тамойиллари:

– қидирув, яъни стритворкерни мижоз эмас, балки стритворкер мижозни топади;

– хизматларнинг бепуллиги, яъни мижоздан хеч кандай тўлов кутилмайди;

– мижозларнинг манфаатлари, шахсий эътиқодларидан устунлиги;

– тан олиш, яъни ўспирин, қандай бўлса шундайлигича қабул қилинади;

– ошкор этмаслик тамойили;

– истак, яъни ўспирин стритворекр билан мулоқот қилишга, унинг йўриқномалари ва режаларини бажаришга мабжур эмас;

– доимийлик, яъни учрашув жойи ва вақти доимий ўзгармас бўлиши керак;

– шаффофлик, яъни стритворкер максимал даражада тез (1-3 учрашувларда) ўз касбини мижозга ошкор қилади;

– мобиллик, яъни ўз иш вақтини гуруҳларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолатда режалаштириш.

«StreetWork» технологиясининг йўналтирилган гуруҳлари бу-мотивлаштирилмаган тоифага кирадиган 14-20 ёшгача бўлган, ёшлар билан ишлаш масканларига бормайдиган, кўчаларда, кўп қаватли уйларнинг йўлакларида ва алоҳида чет жойларда учрашиб юрадиган ёшлар киради. Мақсадли гуруҳни асосан, жамиятдан четлашиш ва стигмалашиш (ёрлиқ осиш) остонасида турганлиги учун қўллаб қувватлашга муҳтож бўлган ёшлар ташкил этади.

«StreetWork» бу – фаол ва кенг аудиторияга мўлжалланган ижтимоий иш бўлиб, тайёр ечимларни таклиф этмайди, балки инсонни ўз-ўзига ёрдам кўрсатишга ҳайёриҳохлик билдирилади. Фаолиятдаги бундай ёндашув ёшларни ҳуқуқларини ва имкониятларини кенгайтиришга асосланган бўлиб, ёшлар ўзининг ва гуруҳининг ҳаётий муаммоларини, айниқса низоларни ўзи ҳал қилишни ўрганишларига қаратилган.

«StreetWork» технологияси босқичлари:

Биринчи босқич, уюшмаган ёш гуруҳлар ҳақида маълумот йиғиш. Бу босқичда фаолиятнинг мақсади – шаҳарнинг ёшлар гуруҳлари ҳақида максимал даражада ишончли ва объектив маълумотларни йиғиш, уларнинг муамоларини характери, ёшлар билан ишлаш соҳаси мутахассисларини ёрдам бера олиш имкониятларини ўрганиш. Бу босқичда гуруҳларнинг нoформал вақт ўтказиш жойларини ижтимоий-ҳудудий микротадқиқот орқали, уюшмаган ёшлар гуруҳларини портретини тузиш учун шаҳар, туманлар, қишлоқлар кесимида ўрганилади. Шунингдек, хавф гуруҳида турган ўспиринлар ҳақидаги маълумотларни вояга етмаганлар ўртасида жиноятларни олдини олиш бўлимларида, участка нозирлари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, шу ҳудудда яшовчи катталар, кўчада кўп вақтини ўказувчи ва баъзида яшовчи ўспиринлар ва ёшлардан ҳам маълумотлар йиғиш мумкин. Турли хил манбалардан олган маълумотларни стритворкелар уюшмаган ёшлар гуруҳлари ҳақида унинг хавфлилик даражасини ва давомийлиги ҳақида бирламчи хулоса чиқариши мумкин.

Иккинчи босқич: уюшмаган ёшлар гуруҳлари билан мулоқот ўрнатиш. Ушбу босқичнинг мақсади, ишончли муносабатларни ўрнатиш,

гуруҳ вакиллари билан ҳамкорлик ўрнатиш, унинг замирида вазиятни доимо кузатиш, ижтимоий, психологик, ва педагогик ёрдам ёки зарурий муҳтожлик даврида тезкор ёрдам кўрасата олиш.

Учинчи босқич: реабилитация. Ушбу босқичнинг мақсади, аниқ кетма-кетликка эга бўлган реабилитацион чора тадбирларни уюшмаган ёшларга қўллаш ва имкон қадар ушбу гуруҳ вакилларида ҳаётнинг зарур соҳаларида ўз ўзига ёрдам кўрсатиш ва мустақил фаолликни ривожлантириш малака кўникмаларини шакллантириш. Ушбу босқичда стритворкер аниқ гуруҳ ва уни вакили билан ўзаро ҳамкорликнинг мақсадини аниқлайди.

Тўртинчи босқич: якунловчи реабилитация, салбий ишларнинг қайталанишини олидини олиш. Ушбу босқичда фаолиятнинг мақсади– уюшмаган ёшлар гуруҳининг вакилларини билвосита кузатиб бориш (кузатиш, консультатив маслаҳат хизматини кўрсатиш ва ҳ.к), яъни индивидуал иш, зарур бўлганда аниқ реабилитацион тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш. Мижозга аста секинлик билан турли хил хизматларни мустақил равишда олишда ташаббус ўз қўлига берилади. Ижтимоий ёрдам ходими билан мижознинг учрашувлари аста секинлк билан камайтирилади (мижозда ижобий ўзгариш кучли бўлса). Кейинчалик, одатда, стритворкер ўз мижозини бошқа соҳа мутахассисига (ижтимоий педагог, ёшлар ташкилотларининг вакиллари, таълим муассасалари вакилларига, психологга ва ҳ.к.ларга) йўналтирилади..

***Ключевые слова:*** *система образования, современные образовательные технологии, информационные технологии, виртуальные опыты, анимация, неорганическая химия, кислород, состав воздуха, методика обучения, система непрерывного образования, проблемные вопросы.*

*In this article methodology of educating of theme is expounded oxygen in the system of continuous education, course of inorganic chemistry with the use of information technologies, in particular virtual experiments. It is shown that the use of modern interactive methods on employments assists the increase of efficiency of employment and expected results. The role of problem questions is shown in fixing of school knowledge students in the system of continuous education.*

***Key words:*** *educational system, modern educational technologies, information technologies, virtual experiments, animation, inorganic chemistry, oxygen, air composition, teaching methods, system of continuous education, problem question.*

Zamonaviy ta'lim texnologiyalarni, xususan, axborot texnologiya - bu o'qituvchining ta'lim-tarbiya vositalari yordamida o'quvchi yoki talabalarga muayyan sharoitda ta'sir ko'rsatishi va bu faoliyat mahsuli sifatida ularda oldindan

belgilangan shaxsiy sifatlarni shakllantirish jarayonidir. Axborot texnologiyalari turlariga animatsiya, virtual laboratoriya, virtual tajriba, videoroliklar va boshqalar kiradi .

Jumladan, virtual tajriba maksimal ko‘rgazmalilikka, tajribani bajarish uchun real qurilmalarning aynan mos kelishini ta’minlaydi. Bu o‘quvchilarning ishlarini yengillashtiradi, vaqtni tejaydi, o‘rganilgan mavzuning o‘zlashtirish darajasini oshiradi. Bundan tashqari jarayonning virtual modeli o’qituvchiga o’quvchilarning o’zlashtirish darajasiga qarab, o’rganilayotgan mavzu yuzasidan qo’shimcha savollar shakllantirishga ayni mavzu yuzasidan yordam beradi. Virtual tajribalar – kimyo sohasidagi o’tkazish imkoni yo’q tajribalarni ko’rsatish imkoniyatini beradi.

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda, virtual tajribalar maktab kimyo kursida “Kislorodning tabiatda aylanishi, havoning tarkibi” mavzusini o’qitish jarayonida komyuter texnologiyasidan foydalanish o’quvchilar fikrlash doirasini kengaytirish samaradorligini ta’minlaydi.

Kislorod mavzusini o’rganishda havo tarkibi o’rganiladi. Litosfera gidrosfera, atmosfera, biosferalardan farq qilib, kislorod tabiatda aylanishda uncha ishtirok etmaydi. Kislorodning yer yuzida aylanishi uning atmosfera, litosfera, gidrosferada aylanishiga bog’liq emas. Uning yer yuzida aylanishi fotosintez jarayoni va nafas olish jarayoniga bog’liq. Bu fotosintez jarayonida uglerod (IV) oksid suv ishtirokida organik modda va kislorod hosil qiladi.

Bunda $C0_2$ dagi kislorodning yarmi biomassa hosil qilish uchun, qolgan yarmi va karbonat angidrid bilan ta’sirlashayotgan suvdagi kislorod molekula holida to’la atmosferaga o’tadi. Fotosintez reaksiyasi kislorodni gidrosferadan atmosferaga va atmosferadan biosferaga o’tishini ta’minlaydi.

$$\mathbf{6CO_2 + 6H_2O \text{ a } C_6H_{12}O_6 + 6O_2\text{^}}$$

Fotosintezga teskari jarayonlar bo’lgan nafas olishda, o’lgan organizmlarning parchalanishi va yonishida kislorod biosferadan atmosferaga hamda gidrosferaga karbonat angidrid shaklida qaytariladi:

$$\mathbf{C_6H_{12}O_6 + 6O_2 \text{ a } 6CO_2 \text{^}+ 6H_2O}$$

**Havo.** Atmosfera havosi ko’plab gazlarning tabiiy aralashmasi hisoblanadi. Havoning asosiy qismini tashkil qiluvchi azot va kisloroddan tashqari, uning tarkibiga oz miqdorda inert gazlar, karbonat angidrid va vodorod kiradi. Ulardan tashqari, havoda suv bug’lari, chang va ba’zi tasodifiy qo’shimchalar ham mavjud. Kislorod, azot va inert gazlar havoning doimiy tarkibiy qismi bo’lib hisoblanadi. Ular har qanday joyda ham deyarli bir xil miqdorda uchraydi.

Havoning tarkibi

| | $N_2$ | $O_2$ | $CO_2$ | $H_2$ | Ar | Ne | He | Kr | Xe |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Hajm bo'yicha** | 78.03 | 20.99 | 0.03 | 0.01 | 0.933 | 0.00161 | 0.00046 | 0.00011 | 0.000008 |
| **Massa bo'yicha** | 75.6 | 23.1 | 0.046 | 0.0007 | 1.286 | 0.00012 | 0.00007 | 0.0003 | 0.00004 |

Suyuq havodan azot, kislorod, inert gazlar ajratib olinadi. Havodagi $C0_2$ va suv bug'lari yer issiqligining koinotga tarqalib ketishining oldini oluvchi to'siq - himoya ekrani vazifasini bajarsa, havodagi ozon qatlami quyosh va yulduzlarning Yerdagi hayot uchun halokatli nurlarini o'tkazmaydigan qalqon vazifasini bajaradi. Havodagi chang yomg'ir tomchilari hosil bo'ladigan yadrolar vazifasini bajaradi.

Shuningdek, havoda tasodifiy qo'shimchalar ham uchrab turadi. Ularga organik qoldiqlar chirishidan hosil bo'ladigan vodorod sulfid ($H_2S$) va ammiak ($NH_3$), sanoat chiqindisi bo'lgan sulfit angidrid ($SO_2$), atmosferada elektr zaryadlari natijasida hosil bo'ladigan azot oksidlari kabi murakkab moddalar mansub. Ularni davriy ravishda yomg'ir va qor havodan tozalab turadi. Havo Yerdagi hayot uchun eng zaruriy tarkibiy qism bo'lib, uning tozaligini, musaffoligini saqlash insoniyat uchun muhim ahamiyatga ega. [3]

Mazkur mavzularni o'qitishda o'quvchilarni kimyo faniga qiziqishlarini oshirish maqsadida kompyuter texnologiyasidan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Hozirgi texnika asrida aksariyat o'quvchilar kompyuter orqali bilimlarni ko'proq egallashadi. Masalan, virtual tajribani namoyish etish orqali. Chunki tajriba o'tkazish uchun 2 ta banka, 2 ta jonli sichqon, 2 ta bo'lak pishloq kerak bo'ladi. O'z-o'zidan bu ko'p vaqt talab etadi. Bu esa o'z navbatida qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Ushbu jarayonni kompyuter animatsiyasi orqali o'quvchilarga ko'rsatiladi. Ishlab chiqilgan virtual tajribamizda qisqa vaqt ichida tajribani ko'rib, unga xulosa qilishi ham mumkin.

Tajriba uchun 2 ta banka olinadi. 1-bankaga kichikroq pishloq bo'lagi, 2-bankaga kattaroq pishloq bo'lagi solinadi. Har ikkala bankaga sog'lom sichqon solinadi. 1-banka havo bilan to'ldiriladi. 2-banka esa toza kislorod bilan to'ldiriladi.

Har ikkala banka usti qopqoq yordamida berkitiladi. Ushbu jarayonda o'quvchilarga savol bilan murojaat qilinadi.

– Qaysi bankadagi sichqon ko'proq yashaydi?

O'quvchilar o'z fikrlarini bildirishadi. Kimdir "1-bankadagi sichqon ko'proq yashaydi. Chunki unda havo bor" desa, yana kimdir ikkinchi bankadagi sichqon ko'proq yashaydi. Chunki uning pishlog'i kattaroq" deydi. Yana kimdir esa 1-bankadagi havo tarkibidagi kislorodning miqdori 20.94%, 2-bankadagi kislorodning miqdori 100%, shuning uchun bu sichqon ko'proq yashaydi.

Ushbu jarayon orqali havoning tarkibini o'rgatish mumkin. Bunda havoning tarkibida 20,94% kislorod bor. 2-bankada esa 100% kislorod bor. Birinchi bankadagi kislorod miqdori ikkinchi bankadagi kislorodga nisbatan deyarli 5 baravar kam. Bu vaziyatda nafas olish jarayonida kislorod kerakligi sababli 2-bankadagi sichqon birinchi bankadagiga nisbatan ko'proq yashaydi. Maktab kimyo o'qituvchilari ushbu animatsiyadan foydalanib dars o'tishi mumkin. Shu tarzda virtual tajribalarni qo'llab kimyo fanlaridan laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazilsa, o'quvchilarning kimyoga qiziqishi, motivatsiyasi ko'tariladi.

Uzluksiz ta'lim tizimida talabalar kimyo fanidan maktab kimyo kursida olgan bilimlarini yanada takomillashtirib mavzuni o'rganishadi. Oliy ta'lim tizimida anorganik kimyo kursida kislorod mavzusi ham o'rganiladi. Lekin nazariy ma'lumotlar chuqurroq o'rganilib, ularga nafaqat kislorod va uning ahamiyati, balki uning kimyoviy xossalari murakkab kimyoviy jarayonlarda ham ko'rib chiqiladi. Shu jumladan, metallar korroziyasi, oksidlanish-qaytarilish reaksiyasi, yonish jarayoni va boshqalar misolida yanada to'liqroq o'rganiladi. Mustaqil ta'limda ham talabalar mavzu yuzasidan qo'shimcha ma'lumotlarga ega bo'lishadi.

Bu jarayonda biz virtual tajribaga qo'shimcha tarzda talabalarga "Muammoli savol" metodidan foydalanishimiz mumkin.

"Muammoli savol" metodi uchun quyidagi savollar beriladi:

– Kislorodning yonish jarayoniga ta'siri qanday ifodalanadi?
– Kislorodning allotropik shakl o'zgarishi ozonning ahamiyati nimada?
– Kislorodning inson hayotidagi ahamiyatini qanday ifodalash mumkin?
– Kislorod va havoning tarkibi qanday?

Bo'lajak kimyo fani o'qituvchilari, o'quvchi va talabalarning mavzuni o'qitishda bir nechta metodlardan foydalib, mavzu yuzasidan bilimlarini takomillashtirishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ш.М. Мирзиёев "Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз" (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи). Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016, 56 б.

2. I.R.Asqarov, N.X.To'xtaboyev, K.G'.G'opirov Kimyo 7-sinf uchun darslik Toshkent.: "Sharq" 2017, 160 bet.

3. G.P. Xomchenko, I.G. Xomchenko Kimyo Oliy o'quv yurtlariga kiruvchilar uchun Toshkent "O'qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi — 2007. 720 б.

# ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК МОНИТОРИНГНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

***Г.КАРИМОВА,***

*ХТХҚТМОХМ "Педагогика, психология ва таълим технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси*

*Мазкур мақолада умумий ўрта таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг таркиби ва мазмунинини такомиллаштириш, педагогик мониторингни олиб бориш жараёнида ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кузатув, назорат ва таҳлил қилиш асосида олиб бориш ҳақида маълумотлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *педагогик мониторинг, шахсга йўналтирилган таълим, мониторинг, индивидуал-психологик, таълим-тарбия, кузатиш, таҳлил қилиш, назорат.*

*В данной статье рассматриваются структура и содержание педагогического мониторинга в процессе личностно-ориентированного обучения в общем среднем образовании, мониторинг и анализ учащихся в процессе педагогического мониторинга.*

***Ключевые слова:*** *педагогический мониторинг, личностно-ориентированное обучение, мониторинг, индивидуально-психологический, воспитательный, наблюдение, анализ, контроль.*

*This article discusses the structure and content of pedagogical monitoring in the process of student-centered education in general secondary education, monitoring and analysis of students in the process of pedagogical monitoring.*

***Keywords:*** *pedagogical monitoring, student-centered learning, monitoring, individual psychological, educational, observation, analysis, control.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиш билан ҳаётимизнинг барча жабғаларида чуқур ўзгаришлар содир бўла бошланди. Бу ўзгаришлар бутун таълим соҳасини қайта қуришни мақсад, вазифа, таълим муассасаларининг фаолияти мазмунини ўзгартиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонида "Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали меха-

низмларини яратиш” ва вазифалар таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида белгиланди. [1] Натижада шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг амалга ошириш имкониятлари кенгайтирилди.

Бугунги кунда таълим соҳасида содир бўладиган ўзгаришларнинг афзаллиги шундан иборатки, умумий ўрта таълим муассасаларини таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар яратиш имконини беряпти. Таълим самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларидан фойдаланиб, дарс жараёнида унумли фойдаланиш ҳозирда таълим жараёнини олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Албатта бу вазифаларни ҳал этиш таълим бевосита педагог фаолиятига боғлиқдир. Педагог таълим олувчиларни билим эгаллашда фаоллаштирадиган, барча учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, таълимнинг турли хил воситаларини излайди.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг тизимини шакллантириш муҳим эканлигини, ўқувчиларни билимини баҳолашда мониторинг тизимини шакллантиришдаги имкониятлар ва ўқувчиларга таълим-тарбия жараёнидаги педагогик мониторинг тизимини шакллантириш учун имкониятлар етарли даражада яратиб берилаётганини кўришимиз мумкин.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда мониторинг фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун педагоглар шахсга йўналтирилган таълим асосларини ўзлаштирган бўлишлари ва бу масалани, таълим муассасалари раҳбарлари томонидан доимий назорат қилиб борилиши керак. Педагогик мониторинг ўқув-тарбиявий жараённинг ҳолатини ва натижавийлигини кузатиш сифатида тушунилади, бунда баҳолаш ва назорат қилиш, яъни жараённи ҳамда миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаланган ўқув-тарбиявий жараённинг натижавийлигини бошқариш назарда тутилади.

“Мониторинг – инглизча атама бўлиб, “узлуксиз кузатиш” деган маънони англатиб, педагогик фаолият мазмунини узлуксиз таҳлил этиб бориш, унинг янада такомиллашувини олдиндан билишни таъминловчи тизим ҳақида ахборот тўплаш, умумлаштириш, қайта ишлаш, уларни сақлаш, оммалаштириш ва ўқувчилар билимидаги мавжуд бўшлиқ-

ларни аниқлашга қаратилган фаолият ҳамда мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришда холис баҳо берувчи мезондир." деб таъриф берилган. [2]

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, биз умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларининг шахсга йўналтирилган таълим мазмун ва моҳияти, шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг, педагогик мониторинг қуйидагича таъриф бердик.

Шахсга йўналтирилган таълим – шундай таълим жараёни шахснинг ривожланиши, ўзига хос хусусиятига максимал даражада йўналтирилган.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг бу:

– таълим-тарбия жараёнини баҳолаш ҳамда мазкур йўналишда назорат коррекция ишларини амалга ошириш жараёни;

– таълим дастури, таълим режаси, ўқув материалларини йиғиш умумлаштириш, таҳлил қилиш ва ўзгартириш бўйича қарор қабул қилиш тизими;

– таълим-тарбия сифатини таъминлаш бўйича ўқув машғулотларини камчиликларини тезкор аниқлаш шунингдек, таълим-тарбия самарадорлигини мунтазам кузатиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда педагогик кенгашда уларни мувофиқлаштириш бўйича қарор қабул қилиш тизими.

Педагогик мониторинг – бу ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кузатув, назорат, таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёни.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчи шахсини бутун бир таълим тизимининг марказига қўяди ва унга табиатан берилган ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама қулай, эркин шарт-шароит яратади. Ўқувчи шахси бу жараёнда нафақат субъект, балки кенг имкон берилган субъект бўлиб, у таълим тизимидаги асосий бўлмаган мақсадларга эришиш воситаси эмас, балки унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, шахсга йўналтирилган таълим инсонийлик фалсафаси, психологияси ва педагогикасининг уйғунлигини намойиш этади. Педагогнинг диққат марказида ўзининг максимал имкониятларини ишга солиб билим олишга интилаётган, ҳаётнинг ҳар хил ҳолатларида мустақил, онгли ва масъулият билан қарор қабул қилишга қодир бўлган бутун бир ноёб боланинг шахси турмоғи лозим. Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчи шахсидаги мустақиллик, ташаббускор-

лик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди. Бунда ўқувчини таълим тизимига мослаштирмай, балки ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши учун имкон берилади, унинг ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш, фаоллаштириш хусусиятлари асосида англаш, мушоҳада қилиш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги ғоя ва фикрларни билдириш, мавжуд муаммолар ечимининг самарали йўлларини қидириш учун эркинлик бериш, ўқувчининг ижодий, танқидий тафаккурини ривожлантириш учун шароит яратилади. Ҳар қандай ўқувчи ўзига хос такрорланмас табиати, характер хусусиятини фаоллаштиришга, намойиш қилишга интилади.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллар (муаммоли-изланиш, диалог, эвристик суҳбат, мунозара, кейс стади, гуруҳларда ишлаш)дан фойдаланиб, шарт-шароитларни таркиб топтириши керак. [3] Муҳим масалалардан яна бири шуки, шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишда турлича тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш учун педагогик ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташкил этишдан иборатдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. //Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.74.

2. Каримов Р.Қ., Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари. Пед. фан. ном. диссер - Тошкент., 2006. -17б.

3. Шахсга йқналтирилган педагогик технологиялар. Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази. Тошкент., - 4 б.

# ВОПРОСЫ ПРЕЕМСТВЕННОСТИ ПРИ ОБУЧЕНИИ КОМПЬЮТЕРНОЙ ГРАФИКЕ В НЕПРЕРЫВНОЙ СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

***Л.М.НАБИУЛИНА,***
*ТГПУ, к.п.н., заведующая кафедры*
*Информационные технологии*

*The article possibilities the peculiarities of the methodical approach to teaching computer graphics in the course "Informatics", taking into account the principle of continuity in the system of continuous education.*

*Maqolada uzluksiz ta'lim tizimida uzluksizlik tamoyilini inobatga olgan holda «Informatika» kursida kompyuter grafikasini o'qitish uchun uslubiy yondashuvning xususiyatlari bayon etilgan*

*В статье рассмотрены особенности методического подхода к обучению компьютерной графике в рамках курса «Информатика» с учетом принципа преемственности в системе непрерывного образования.*

Сегодня в мире и обществе проходят крупные социально-политические изменения, которые не могут не отразиться на педагогическом процессе как в средней, так и в высшей школе. Человек в течение всей своей жизни приобретает знания, умения и навыки, которые в дальнейшем позволяют ему адаптироваться к требованиям современного общества и стать равноправным гражданином своей страны. Этот факт подтверждает утверждение, что образование имеет особый статус, а потому повышается уровень предъявляемых к его качеству требований. Сегодня образование - это не только результат усвоения систематизированных знаний, умений и навыков, но и процесс усвоения, накопления и преобразования и социального опыта, это поэтапное, пошаговое овладение необходимыми компетенциями. Этого можно достичь при условии обеспечения преемственности как механизма непрерывного образования и поможет обеспечить тесную взаимосвязь дошкольной, школьной, средней профессиональной, вузовской и послевузовской подготовки в единой системе непрерывного образования.

Вопросы преемственности между школьным образованием и вузом была поднята впервые в 20–30-х гг. XX в. С точки зрения философии категория преемственности изучалась в работах А.А. Абдурахманова, Б. С. Батурина, А. И. Зеленкова, Г. И. Исаенко, З.А. Мукашева, В. Г. Рубанова и др.

Преемственность исследуется как дидактическая категория и определяется как принцип, закономерность в исследованиях Ю. К. Бабанского, Б.С. Гершунского, В. В. Давыдова, В. Я. Лыковой, В. Э. Тамарина и др. В психологии вопросы преемственности изучались Б. Г. Ананьевым, А. Г. Асмоловым, Л. С. Выготским, П. Я. Гальпериным, В. В. Давыдовым, Н. Ф. Талызиной и др.

Много исследований проведено в последние годы по проблеме преемственности в обучении и воспитании подрастающего поколения. Изучению отдельных аспектов проблемы посвящены кандидатские и докторские диссертации (3). Однако вопросам изучения преемственности при обучении компьютерной графике не было уделено должного внимания.

Дисциплину «Информатика» начинают изучать в общеобразовательной школе, далее в академических лицеях и профессиональных колледжах и далее как общеобразовательный предмет все непрофильные по отношению к этой дисциплине специальности и направления в вузе. Целью ее изучения является формирование знаний основ информатики и базовых умений и навыков в сфере информационных технологий, необходимых сегодня каждому образованному человеку и специалисту.

Компьютерная графика как составная часть информатики охватывает все виды и формы представления изображений, доступных для восприятия человеком. Она находит применение не только в компьютерном мире, но и в различных сферах человеческой деятельности: научных исследованиях (визуализация строения вещества, векторных полей и т. д.), медицине (компьютерная томография), опытно-конструкторских разработках и т. п. (2) Компьютерная графика и анимация — необходимый инструмент в таких областях, как кино, реклама, искусство, архитектура, в создании компьютерных игр и обучающих программ (1). Обучение компьютерной графике – одно из важнейших направлений использования персонального компьютера, поэтому на сегодняшний день рассматривается как важнейший компонент образования.

Целью обучения любой дисциплины является усвоение обучающимися содержания на уровне, требуемом государственными образовательными стандартами образования. В ходе изучения компьютерной графики обучаемый должен:

– сформировать понятие о способах хранения графических изображений в памяти компьютера,

– овладеть методами создания и обработки графических изображений,
– выработать базовые навыки работы с различными видами графических редакторов.

Отбор содержания по компьютерной графике производится исходя из следующих принципов:

– в содержании темы должно найти отражение научное содержание предметной области «Компьютерная графика»;

– должна сохраняться преемственность изучения составных компонентов компьютерной графике в непрерывной системе образования;

– должны быть освоены графические редакторы общего назначения, на их основе сформированы общие умения и навыки создания и обработки изображений.

В современных стремительно развивающихся условиях и быстро устаревающем программном обеспечении очень важно подобрать теоретические сведения и составить практические и лабораторные работы таким образом, чтобы после изучения темы обучаемые оказались в состоянии применять полученные умения и навыки для учебных или, возможно, каких-то личных целей.

Теоретический материал должен отражать наиболее значимые сведения о принципах хранения изображений в цифровом виде, о различных типах графики, о всевозможных направлениях применения графических редакторов. Практическое же содержание темы разбито на следующие составляющие: растровая, векторная и трехмерная графика.

Изучение компьютерной графики начинается со школы, где ученики в рамках изучения возможностей растровой графики работают с несложным встроенным в ОС Windows графическим редактором Paint. В работу включены задания на работу с графическими примитивами, копированием и перемещением объектов, поворотом и отражением элементов изображения. Задания служат своеобразным введением в тему «Компьютерная графика», связующей нитью между школьным и последующим курсом информатики.

Следующий этап изучения компьютерной графики в академических лицеях и профессиональных колледжах нацелен на ознакомление с графическими редакторами, обладающими более обширными функциональными возможностями. К ним, в первую очередь, относятся такие программы, как Adobe PhotoShop и

Corel Draw. С помощью данных редакторов учащиеся отрабатывают навыки работы со сложными инструментами, а также учатся работать со слоями.

Следующий этап изучения компьютерной графики – вузовские программы. Здесь упор делается на изучение возможностей компьютерной графики с учетом будущей профессиональной деятельности. Например, если это педагогические институты или университеты, то студентов обучают применению компьютерной графики при подготовке электронных образовательных ресурсов, для студентов архитектурного института больше заданий по компьютерной графике направлено на изучение таких программ, как AutoCAD, 3DMAX, с помощью которых студенты могут составлять компьютерные трехмерные модели различных сооружений и объектов.

При обучении компьютерной графике преобладающими методами обучения являются следующие: репродуктивный (при отработке практических навыков работы с графическими редакторами в компьютерном классе) и частично-поисковый (подбор инструментов для наилучшего выполнения индивидуального задания после каждой лабораторной работы).

Сравним репродуктивные и частично-поисковые задания, взяв для примера изучение графического редактора Corel Draw. В качестве репродуктивного задания представим создание объекта с эффектом объема. Цель такого задания – познакомить обучаемых с инструментами редактора, продемонстрировать базовые возможности создания с их помощью трехмерного изображения.

Таким образом, в ходе выполнения этого задания обучаемые применяют по образцу усвоенные знания. Подобные репродуктивные задания особенно эффективно содействуют отработке практических умений и навыков.

Примером частично-поискового задания может служить, например, создание следующей модели, без инструкций по выполнению работы:

Цель такого задания – закрепить навыки работы с инструментами графического редактора, а также научиться подбирать инструменты, цвета и заливку для построения задуманного изображения.

Выполнение подобных частично-поисковых заданий способствует более осмысленному и самостоятельному овладению знаниями и развитию навыков творческой учебно-познавательной деятельности.

Основной формой обучения являются лабораторные работы. Выделим также индивидуальную форму обучения, которые применяются во вре-

мя выполнения заданий в компьютерном классе, что обеспечивает комфортные условия работы и развитие самостоятельности.

Средствами контроля при изучении компьютерной графики служат проверка выполнения практических заданий во время лабораторных работ в компьютерном классе, и индивидуальных заданий, которые учащиеся или студенты выполняют самостоятельно. Диагностика теоретических знаний можно рекомендовать проводить при помощи компьютерного тестирования, в результате которого определяется готовность обучаемого использовать графические редакторы для создания и обработки изображений в процессе обучения. Уровень сформированности подобной готовности мы можем оценить по итогам выполнения индивидуальных заданий.

Таким образом, обучение компьютерной графике, безусловно, относится к одним из важнейших разделов обучения информатике в системе непрерывного образования. Учитывая преемственность в обучении данного раздела, особое внимание следует уделить подбору содержимого и изучаемым графическим редакторам. Для достижения наилучшего результата следует переходить от простых программных средств к более сложным, обладающим большими функциональными возможностями. Рекомендуется плавный переход от репродуктивных заданий на воспроизведение к частично-поисковым заданиям, с подбором программных средств для их выполнения.

**Использованная литература:**

1. Коджаспирова Г. М., Петров К. В. Технические средства обучения и методика их использования: учеб. пособие для студентов высш. учеб. заведений. 2-е изд., перераб. и доп. М. : Изд. центр «Академия», 2005.

2. Сакулина, Ю. В. Компьютерная графика как средство формирования профессиональных компетенций / Ю. В. Сакулина, И. В. Рожина // Педагогическое образование в России. – 2012. – N 6. – С. 76 – 80.

3. Чернякова Т.В. Методика обучения компьютерной графике студентов вуза: автореферат дис.канд. пед. наук / Чернякова Т. В. – Екатеринбург, 2010.

# O‘QUVCHI VA TALABALARGA EKOLOGIK TA’LIM BERISH IMKONIYATLARI

**G.JABBAROVA,**
*TTESI o‘qituvchisi*

*Inson hayotiy faoliyati farovonligi va obodligini ta’minlashda uzluksiz ta’lim tizimi asosiy vazifa sanalib, ta’lim-tarbiya jarayonida talaba – yoshlarda ekologik tafakkurni tarkib toptirish, rivojlantirish bu muammoning echimi sifatida o‘z natijasini beradi. SHu sababli mazkur maqolada ekologik ta’lim-tarbiya va madaniyatnng yoshlar ongiga singdirilish zaruriyati haqida fikr yuritilgan.*

***Tayanch so‘z va iboralar**: uzluksiz ta’lim, o‘quvchi yoshlar, talabalar, ekologik ta’lim, ekologik madaniyat, tabiat, suv, tuproq, tabiatni asrash.*

*The main task in ensuring the welfare and prosperity of human life is a system of continuing education. Therefore, this article discusses the need to integrate environmental education and culture into the minds of young people.*

***Key words**: continuing education, students, students, environmental education, environmental culture, nature, water, soil, nature conservation.*

*Основной задачей в обеспечении благосостояния и процветания человеческой жизни является система непрерывного образования. Поэтому в этой статье обсуждается необходимость интеграции экологического образования и культуры в сознание молодежи.*

***Ключевые слова:** непрерывное образование, студенческая молодежь, студенты, экологическое образование, экологическая культура, природа, вода, почва, охрана природы.*

Oliy ta’lim tizimida tahsil olayotgan talabalar uzviylik asosida ekologik bilimlarning ma’lum bir bosqichlarini bosib o‘tganlar. Zero ekologik savodxonlik inson tug‘ilgan yoshdanoq boshlab o‘stirilmas ekan, ta’lim-tarbiya jarayonida ma’lum bir bo‘shliqlar hosil bo‘ladi. Tabiatning gultoji bo‘lgan inson esa doimo go‘zallikka, pokizalikka harakat qilgan. Bunday hislatlar asta-sekinlik bilan tarbiyalanuvchi qalbiga singdirilib borilishi kerak.

Maktabgacha ta’lim muassalarida ona tabiat - ertaklar, she’rlar, hikoya va rivoyatlar misolida, boshlang‘ich ta’lim bosqichida esa tabiatshunoslik, yuqori sinflarda esa tabiiy fanlar majmui sifatida, umumiy o‘rta ta’lim tizimida esa sof ekologik bilimlar ko‘rinishida o‘quvchilar ongiga singdiriladi.

O‘rta-maxsus, kasb-hunar ta’limida o‘zlashtirilayotgan ekologik bilimlar ma’lum darajada kasb-hunarga yo‘naltirilgan bo‘lib, o‘quvchi-talabalarning tanlagan yo‘nalishlaridan kelib chiqqan holda o‘zlashtirilishi kerak.

Oliy ta’lim bosqichiga qadam qo‘yishgach talaba-yoshlar yanada chuqur,

etuk ekologik bilimlarni o‘zlashtirishlari lozim.

Ma’lumki oliy ta’lim tizimida tayyorlanayotgan mutaxasislarga fan asoslarini o‘rgatishda ekologik ta’lim-tarbiya ham beriladi. Talabalar maxsus tuzulgan dastur asosida mutaxassislikka bog‘liq ekologik mazmundagi tushunchalar atmosfera, gidrosfera, ditosfera, hayvon va o‘simliklarga zararli ta’sir etuvchi omillar hamda ularning oqibatlari bilan tanishtirib boriladi. Tadqiqotlarimizning ko‘rsatishicha, tabiiy texnika fanlari yo‘nalishida ta’lim olayotgan talabalar ekologik ta’limini quyidagi ketma-ketlik asosida oila, bolalar bog‘chasi, o‘rta umumumiy ta’lim maktablari, oliygoh, shaxsiy faoliyat jarayonida uzluksiz davom ettirish lozim.

Tanlangan ekologik mazmundagi o‘quv materiallari bilan talabalarni tanishtirib borish ularning tabiat to‘g‘risidagi tasavvurlarini kengaytiradi. Ko‘plab hodisalar ayrim fanlar doirasida izohlanib, tushuntirilib, sodir bo‘lish sabablar ilmiy jihatdan asoslanadi. Oliy o‘quv yurti talabalariga, xususan, tabiiy texnika fanlarini o‘qitishda har bir kursning mazmuniga bog‘liq bo‘lgan ekologik xarakterdagi o‘quv materiallarini ta’minlashda texnika-texnologiya-iktisodiy tizim mazmunidagi yo‘nalishga aloxida e’tibor berish yaxshi natija bermoqda. Masalan, konstruksion materiallar texnologiyasi kursida materiallarning xossasi, tarkibi, oliy usullari bilan tanishtiriladi. Qora va rangli materiallardan tejamli foydalanish to‘liq bayon qilinadi. Domna pechlarida rudadan toza materiallarning ajratib olinishi, ruda tarkibidagi aralashmalarning chiqindi shaklida ajralib suv, tuproq va havoni ifloslantishi izohlanadi. SHuningdek, turli xil holatdagi yoqilg‘ilarning yonishidan hosil bo‘lgan maxsulotlar bilan atrof muhit ifloslanishi tegishli o‘quv materilalari asosida tavsiflaniladi.

Ma’lumki, yoqilg‘i maxsulotlari qayta ishlanib ulardan qurilish materiallari olinadi. Ayniqsa, metallurgiya korxonalarida yonilg‘i maxsulotlari bilan chiqadigan og‘ir metallar qo‘rg‘oshin, nikel’, xrom, rux, simob, mis kabi qimmatbaho metallar atrof muhitga tarqalib ketadi.

Atmosferaga chiqadigan gazlar va ular hosil qiladigan birikmalar inson salomatligi uchun o‘ta xavfli hisoblanadi. Mehnatni muhofaza qilish kursida «Ishlab chikarish korxonalari ekologik muhitlarining metorologik ko‘rsatkichlarini o‘rganish», «Ish joyidagi va ishlab chiqarish xonalaridagi mikroiqlimni tadqiq qilish va himoya vositalari», «havo bilan ko‘chadigan chang miqdorini aniqlash» kabi laboratoriya ishlarini bajarish talabalarda ekologik bilimlarning kengayishi hamda mustaxkamlanib borishini ta’minlaydi. SHuningdek, «Texnika va transport vositalaridagi shovqin harakatlarini aniqlash», «Qumning filterlash koeffitsentini aniqlash», «Tuproqning issiqlik o‘tkazuvchanligini o‘rganish», «Tabiatni muhofaza qilish haqidagi qonunlar va asosiy tushunchalarni o‘rganish» kabi laboratoriya-amaliy ishlar tabiiy-texnika fanlarida o‘rganib boriladi.

Ta’kidlash joizki, tuproqning mexanik, fizikaviy, kimyoviy xossalarining

buzilishi xosildorlikning kamayishiga sabab buladi. Eng asosiysi, tirik organizimlarga zarar etkazishdir. Gidravlika va gidromashinalar kursidan ma'ruza eshitish va laboratoriya-amaliy topshiriqlarni bajarishda talabalar suv resurslari va ulardan oqilona foydalanish usullari bilan tanishadilar.

Talabalar, suv havzalarini ifloslantiruvchi manbalar, ifloslangan oqava suvlarni tozalovchi qurilmalar, filterlar, elektro-fizikaviy, biokimyoviy, biologik usullar yordamida tozalash bilan muntazam tanishib boradilar. Bundan tashqari suvni neft maxsulotlari bilan ifloslanishi va uni tozalash yo'llarini o'rganadilar. Issiqlik texnikasi va issiqlik mashinalari kursida: yoqilg'i turlari, uning tarkibi, yoqilg'i vositalari hamda maxsulotlaridan atrof muhitning ifloslanishini kamaytirib, tabiiy resurslarning zahiralari, ulardan iqtisodiy ishlab chiqarish komplekslari asosida foydalanish, tejamkorlik va iqtisodiy samaradorlikka erishishda yangi mukammal texnologiyani qo'llash lozimligi o'rganiladi.

Energiya manbalarida suv, tuproq va atmosferani ifloslantiruvchi mineral, organik va boshqa zarrachalar hamda moddalar mavjud. Bu esa er ekosistema va uning qismlari, suv, tuproq va atmosferani ifloslantiradi. Bu issiqlik o'tkazuvchanlik, nurlanish, konduktiv kabi issiqlik uzatish turlari va issiqlik muozanati hamda organizmlarning moslanish holatlarini ko'rib chiqishni talab etadi.

Oliy o'quv yurtlarida talabalar tabiiy-texnika fanlarini o'rganish jarayonida o'zlashtirgan ekologik bilimlari integratsiya, ya'ni umumlashma darajasiga ko'tariladi. Ekologik bilimlarni umumiylashtirish va rivojlantirish ma'ruzalar, ilmiy-nazariy anjumanlar, laboratoriya-amaliy ishlarni bajarish, masalalar echish, kurs yoki diplom ishlarini bajarishda amalga oshadi.

Oliygohlarda talabalarga o'qitiladigan «Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish» fanida er ekosistemasining tabiiy holatini o'rganish insoniyatning tabiatga ko'rsatayotgan amaliy faoliyati ta'sirini ekologik jihatdan boshqarish va tabiatdan sodir bo'layotgan o'zgarishlar va xalq xo'jaligini rivojlantirish jarayonlarini matematik modellashtirish asosida amalga oshiriladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. To'xtaev A., Hamidov A. Ekologiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish. – T.: O'qituvchi, 1994. – 158 b.

2. Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. – T.: YAngi asr avlodi, 2005. – 433 b.

3. Ekologik ta'limdan barqaror rivojlanish ta'limi sari / A.N.Nigmatovning umumiy tahriri ostida. Qo'llanma – T., "Talqin" nashriyoti, 2007. – 144 b.

4. N.A.Mirzaeva. Ekologiya fanidan ko'rgazmali uslubiy qo'llanma. Uslubiy qo'llanma – T., "Moliya" nashriyoti, 2009.

# YOSH KADRLARNI KELAJAKDA O‘Z ISH O‘RINLARINI TOPISHNING ASOSLARI VA YO‘NALISHLARI

**M.M.PARPIEVA,**
*TDPU Mehnat ta'limi va dizayn kafedrasi o‘qituvchisi*

*Yoshlarni ishga joylashtirish, ularning ishlab chiqarish va boshqa sohalarga adaptatsiya jarayonlari,ta'lim xizmatlarini amalga oshirish ko'lami, kollej va oliy ta'lim bitiruvchilarini ishga joylashtirishning mexanizmlari, ish bilan ta'minlash bo'yicha me'yoriy-huquqiy hujjatlarning asoslari bilan bog'lik masalalar yoritilgan.*

***Tayanch so'zlar:*** *yosh kadrlar, ijtimoiy yo'naltirilganlik, bozor iqtisodiyoti, yoshlar manfaatlari, fuqarolik jamiyat, uzluksiz ta'lim, me'yoriy xuquqiy hujjatlar, bitiruvchi, ishga joylashish, ta'lim xizmatlari.*

*Setting to work youth, staff their adoption process in the sphere producing and other fields, a large scale of education services. Setting to work mechanism graduates of college and higher education dimension, highlighted problem of supplying work and norm legal documents basic problems.*

***Key words:*** *young staff, social dimension, market economy, youth interests, civil society, continuous education, normative legal acts, graduate, employment, educational services.*

Mustaqillikka erishgan dastlabki yillardan boshlab O‘zbekistonda ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotini shakllantirish va rivojlantirish, kuchli demokratik huquqiy davlat va fuqarolik jamiyati barpo etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda yoshlarning manfaatlari va huquqlarini himoya qilish borasidagi muammolarni o‘z vaqtida hal etish, uzluksiz ta'lim tizimida islohotlarni yanada chuqurlashtirish, real iqtisodiyotda va mamlakat hayot faoliyati sohalarida ta'lim muassasalari tomonidan tayyorlanadigan mutaxassislarga bo‘lgan talabni ta'minlash maqsadida oliy o‘quv yurtlari, kasb-hunar kollejlari va akademik litseylar bitiruvchilarining, shuningdek, muddatli harbiy xizmatni tugatgan yoshlarning, ayniqsa, kichik shaharlar va qishloqlarda ishga joylashishi bilan bog‘liq masalalar butun kompleksini hal etish eng dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

Yoshlarni ish bilan ta'minlash bo‘yicha me'yoriy-huquqiy hujjatlarning asoslari quyidagilardir:

1.O‘zbekiston Respublikasining 1991 yil 20 noyabrdagi «O‘zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to‘g‘risida»gi 429-XII-son Qonuni;

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 16 oktyabrdagi

«O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 400-son Qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2001 yil 16 avgustdagi “Oliy ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 343-son Qarori.

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2008 yil 20 avgustdagi “Ijtimoiy muhofazaga muhtoj va ish topishda qiynalayotgan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o‘rinlarini band qilib qo‘yish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi 186-son Qarori;

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010 yil 28 iyuldagi «Ta’lim muassasalarining bitiruvchilarini tadbirkorlik faoliyatiga jalb etish borasidagi qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 4232-son Farmoni;

6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 19 iyuldagi “Xizmatchilarning asosiy lavozimlari va ishchilar kasblarining yangilangan klassifikatorini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 164-son qarori va boshqalar.

Yillar silsilasida 2000 yil – “Sog‘lom avlod yili”, 2008 yil – “YOshlar yili”, 2010 yil – “Barkamol avlod yili», 2014 yil – “Sog‘lom bola yili”, 2016 yil – “Sog‘lom ona va bola yili” Davlat dasturlarining belgilanishi mamlakatimizda yoshlarini har tomonlama barkamol bo‘lib etishishi uchun katta e’tibor qaratilyotganligidan dalolat beradi.

Dunyoda global krizis davom etayotgan bir paytda respublikada bandlik darajasini sezilarli ravishda oshirishga erishildi. 2008-2017 yillar mobaynida bu ko‘rsatkich 10,0 foizdan ortiqni tashkil qilgan.

2000 yilda 443,9 ming ish o‘rni yaratilgan bo‘lsa, 2016 yilda bu ko‘rsatkich 1 mln.ga yaqin bo‘ldi. Ish o‘rinlarining 60,0 foizi qishloq joylarda yaratilgan. 600 mingdan ortiq ta’lim muassasalarini bitiruvchilar ish bilan ta’minlandi.

2017 yilda yaratiladigan ish o‘rinlari asosiy dasturga muvofiq tashkil etiladigan ish o‘rinlari 984,2 ming ta. SHundanyoshlaruchunyaratiladiganisho‘rinlari 578,6 mingtanitashkiletdi. Qo‘shimcha dasturga muvofiq tashkil etiladigan ish o‘rinlari 192,0mingtanitashkiletdi.

Respublikamizda kasb-hunar kollejlari bitiruvchilarini ishga joylashtirish bo‘yicha zarur shart-sharoit yaratish, ularni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash eng muhim ustuvor yo‘nalishlardan biri qilib belgilandi.

Buning natijasida birgina 2017 yilda kasb-hunar kollejlarining 495 ming nafarga yaqin bitiruvchisining bandligi ta’minlandi. Ularning 423,1 ming nafari ishga joylashdi, 56 ming nafari tadbirkorlik faoliyati bilan band, 14,3 ming nafari oliy ta’lim muassasalariga o‘qishga qabul qilindi. O‘z xususiy ishini ochib, biznes

bilan shug'ullanishga qaror qilgan kasb-hunar kollejlari bitiruvchilariga tijorat banklari tomonidan 200,0 mlrd so'mdan ortiq imtiyozli kredit berildi.[1]




1.6-rasm. Ta'lim xizmatlarini amalga oshirish ko'lami

Xizmatchilarning asosiy lavozimlari va ishchilar kasblari klassifikatoriga ko'ra jami lavozimlar va kasblar soni 8395 tani tashkil etib, shundan ishchilar asosiy kasblari 5538 tani hamda xizmatchilar asosiy lavozimlari esa 2857 tani tashkil etadi. 5538 ta ishchilar asosiy kasblaridan 5179 tasi o'rta-maxsus ma'lumotni talab etadi va 359 tasi ma'lumotni talab etmaydi. 2857 ta xizmatchidan 2095 tasi oliy ma'lumotga, 751 tasi o'rta-maxsus ma'lumotga ega bo'lishni talab etadi, 11 tasiga ma'lumot talab etilmaydi.[2]

Jami yo'nalishlar va mutaxassisliklar soni 4841 ta bo'lib, shundan oliy ta'limda 1160 ta va o'rta-maxsus ta'limda 3681 tani tashkil etadi.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги"-Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги52-сон Қарори.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июлдаги "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сон Қарорининг иловасидаги классификатор маълумотлари бўйича муаллиф томондан ҳисобланган.

Kollej va oliy ta'lim bitiruvchilarini ishga joylashtirishning mexanizmlari quyidagicha:

– kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda yoshlarimizning intelektual salohiyatiga tayanish;

– bitiruvchilarning o'z ishini (biznesini) ochishiga ko'maklashish va qo'llab-quvvatlash;

– yoshlar uchun yangi ish o'rinlari tashkil etish dastur ijrosini ta'minlash;

– hududdagi korxonalarni kollejlarga biriktirish - "korxona – kollej" hamda "korxona - OO'YU" hamkorlik tizimini yanada takomillashtirish;

– ishga joylashtirish - bo'sh ish o'rinlari yarmarkalari tashkil etishni samaradorligiga erishish;

– berilgan imtiyozlar va amaldagi qonunchilikni tushuntirish ishlarini ommaviy axborot vositalarida keng targ'ib qilish;

– ishga joylashish monitoringini uzluksiz olib borilishini ta'minlash va boshqalar.

Ta'lim sifatini ko'tarishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

– IQ[3] - har bir talabada oshirish kerak, o'rtacha har yili 2-3 % dan.

– IQ ni ishlata bilish kerak (jamiyatda, oilada):

a) IQ - har bir talabani qobiliyati qaysi sohagaligini aniqlash;

b) talabaning qobiliyatini rivojlantirishga moddiy va ma'naviy jihatdan qiziqtirish kerak.

Fikrimizcha yoshlarni ish bilan ta'minlashda quyidagi asosiy vazifalarni bajarilishiga bog'liq:

1. Ishga joylashmagan yoshlarni bo'sh, yangi ish o'rinlariga va ixtisoslashtirilgan yarmarkalarni o'tkazish orqali ishga joylashtirish choralarini takomillashtirish lozim.

2. Har yil uchun tasdiqlanadigan ish o'rinlarini tashkil etish va aholi bandligini ta'minlash dasturining barcha asosiy yo'nalishlar va hududlar bo'yicha bajarilishini ta'minlash borasida tegishli vazirliklar, tarmoqlar va hokimliklar bilan hamkorlikda muvofiqlashgan ishlarni tashkil etish.

3. Alohida hududlar va tarmoqlar bo'yicha mehnat bozoridagi talab va taklif o'rtasidagi nomutanosiblikni kamaytirish choralarini ko'rish.

---

[1]IQ(intelligence quotient) – интеллект коэффициенти (билим қабул қилиш, янги билим яратиш ва уни ишлата билиш қобиляти)

4. Ishsizlik darajasi yuqori bo'lgan tumanlarda yoshlar bandligini ta'minlashni yaxshilash maqsadida barqaror ish o'rinlarini ko'paytirish.

5. Yoshlarning o'z ishini boshlashiga, kichik biznesni tashkil etishda ko'maklashish.

6. Ixtisoslashtirilgan bo'sh ish o'rinlari yarmarkalari tashkil etish va ularning natijaviyligini oshirish.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 10 martdagi "Kasb-hunar kollejlari bitiruvchilarini ishga joylashtirish tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 52-son Qarori.

2. "Ta'lim to'g'risida" O'zbekiston Respublikasining Qonuni // http: // www.lex.uz.

3. O'zbekiston Respublikasining Kadrlar tayyorlash milliy dasturi // http: // www.lex.uz.

4. Ismadiyarov YA.U. "Menejment i marketing" (menejment v obrazovanii). Posobie. Tashkent, TGPU, 2014, s 95-105.

# МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛИ СИФАТИДА

**В.САТТОРОВ,**
*п.ф.н., доц.*
**Ш.МАМАРАЖАБОВ,**
*п.ф.н. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

*Ушбу мақолада олий ва касб-ҳунар таълимида мутахассислик фанларини ишлаб чиқариш билан интеграцияси асосида ўқитиш орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш масалалари ёритилган.*

*В данной статье освещены вопросы обучения специальных предметов в системе высшего и ССПО в условиях интеграции производства при повышении профессионализма будущих специалистов.*

*In the article is given problems of teaching special subjects at high educations system and vocational training in integration of manufacture to promotion of professionalism of the future specialists*

Олий техник таълимни ривожлантиришнинг замонавий босқичи муҳандис ва технолог йўналишидаги мутахассислар тайёрлаш тизимида компетент ёндошув етакчилик қилмоқда. Бу интеллектуал меҳнат бозоридаги кучли рақобат шароитида олий таълим муассасалари (ОТМ) битирувчиси агар у кенг фанлар доирасида компетент ва маҳоратга, асосий ва таянч касбий компетенцияга, касбий мобилликка, узвийликка,ўзгарувчан шароитга тез мослашиш кўникмасига эга бўлса, касбий муваффақиятга эришиши мумкинлиги билан боғлиқдир.

Бугунги кунда Республикамизда кенг касбий маҳоратга эга бўлган мутахассисларга эҳтиёж юқори. Меҳнат бозорининг динамик ўзгарувчанлиги касбий ихтисосликни прогнозлашни қийинлаштиради ва мутахассисларнинг касбий вазифалари янада хилма-хиллигини талаб этади. Турли хилдаги фаолиятларнинг интеграцияси билан кечадиган фан-техника тараққиёти муҳандис ва технолог мутахассисларни тайёрлаш муаммосини долзарб масала сифатида илгари суради. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги мутахассисларнинг

нафақат касбий фаолияти тузилмасини, балки техника соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш мазмуни ва технологиялари йўналишини ҳам ўзгартириш заруратини келтириб чиқаради.

Мутахассислик фанларини ОТМ ва коллежларда ўқитиш жараёни илғор фан ва ишлаб чиқариш ютуқлари билан чамбарчас узвий боғланган ҳолда ўтилиши керак. Бунга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» катта эътибор, шунингдек кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фан ютуқларини узвий равишда кириб бориши, илм-фаннинг ва ўқитиш жараёнини таълим амалиёти, лаборатория ишлари билан алоқасини яқинлаштириш, илмий изланишлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш асосий мақсадлар деб белгиланган[1].

Мутахассислик фанларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвийлигини таъминлаш, бу педогогик технологияни қўллаш, ўқитиш технологияларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвийлигини таъминлаш, илмийликни асосланишини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишлар натижалари билан ўқитиш материалларини бойитиш, фаннинг назарий қисми билан амалиёт бирлигини таъминлаш, таълимни ташкиллаштиришда илғор ишлаб чиқариш жараёнларидан фойдаланиш; талабаларга мустақил ҳаётий тажриба орттириш, ишлаш, касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириш, кўникма ва амалий малакаларини шакллантириш, замонавий ва самарали усулларни танлаш; таълимнинг қизиқарли ва тарбиявий томонларини кучайтиришдан иборат.

Мутахассислик фанлари ва уларнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш коллеж, инсититут ва университетларда дарс берувчи маҳоратли педагоглар томонидан лойиҳаланиши керак. Дастлаб ўқув ва тақвим-мавзуий режалар ишлаб чиқилади. Ҳар бир фаннинг мутахассис тайёрлашдаги ўрни ва аҳамияти аниқланади. Бунинг учун Давлат таълим стандартлари ва ўқитилаётган бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятига қўйилаётган малакавий талаблар ўрганилади ва таҳлил қилинади. Ташкил этиладиган машғулотлар (маъруза, семинар, амалий ва лаборатория ишлари, курс иши ва лойиҳаси, мустақил ишлар)нинг нисбатини белгилашда фаннинг касбий тайёрлашдаги ишлаб чиқариш узвийлиги эътиборга олиниши керак.

Мутахассислик фанларини ўқитилишида, амалий ва лаборатория машғулотларига ажратилган ўқув соатлари маъруза учун ажра-

тилганидан кўпроқ бўлиши керак. Амалиёт ва амалий машғулотларда олинган билимларини таҳлил этиш (амалиёт нуқтаи назардан) синтез қилиш, талабанинг ўзи томонидан жараённи бажара олиши, қўллаши ва баҳолаш муҳим ҳисобланади[2]..

Мутахассислик фанлари ва ишлаб чиқаришнинг узвийлик моделининг мазмунини таҳлили қуйидагича:

*1. Ишлаб чиқариш корхоналарига эҳтиёж.* Бу соҳа, ишлаб чиқариш талаблари ҳамда шахс эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган таълим стандартлари ва ўқув дастурларига кўра, вазирлик буюртмалари бажарилади, яъни ишлаб чиқаришни яхши билган мутахассислар тайёрланади.

*2. Таълим мақсадлари.* Педагогнинг ўқитиш усуллари, дарс бериш фаолияти, талабанинг ўқув фаолияти энг асосийси ўқитилаётган фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни, унинг мазмуни ва эгалланаётган касб-ҳунар туридан келиб чиққан ҳолда ўқитилади.

*3. Таълим мазмуни.* Ҳар бир мавзу бўйича ишлаб чиқаришдаги ?олатлар бўйича белгиланган ўқув мақсадларга мувофиқ таълим мазмуни тузилади.

*4. Таълим шакллари.* Мавзу ўқилаётганда гуруҳ, кичик гуруҳларда дарс ўтиш, ишлаш, макет, механизм, машина, детал, слайд ва плакатлардан фойдаланиш кенг тавсия этилади.

*5. Таълим усуллари (методлари).* Ўқитиш методларини танлаш ўқув мақсадларига боғлиқ бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ҳолати, келажаги ва қай даражада технологиялаштирилган, фаннинг ютуқлари (модернизациялаш) тўғрисида ва кўргазмали материаллардан, слайдлардан фойдаланиш, ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини тартибга солиш ва ўқитиш усули.

*6. Таълим воситалари.* Таълим жараёнида ўқитувчилар кўргазмали материаллардан, слайд ва бошқалардан кенг фойдаланишлари керак. Шу билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш учун кўргазмали материалларни мавжуд эканлигини таъминлаш, шарт-шароитлар яратиш, уларни ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик материаллар билан таъминлаш жуда муҳим.

*7. Таълим сифатини баҳолаш.* Таълим сифатини аниқлаш,

билим, кўникма, малака ва ишлаб чиқариш жараёнларига молик эканлик даражасини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг сифат кўрсаткичларини белгилашнинг зарурий қисми ҳисобланади. Бунда педагог талабанинг билимини баҳолаш натижасида ўқувчи ёки талабанинг қайси ўқув материалларини яхши, қайси қисмларини эса ўзлаштира олмаганини аниқлайди ва шу асосда кейинги ишларни режалаштиради.

Интеграцияси асосида ўқитиш талабалар амалиёт соҳасида амалий тажриба орттириш имконини беради. Талабаларнинг дарс мазмунини яхшироқ тушуниш ва назарий билимларни ошириш имконини беради[3].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Республикамизнинг енгил саноат соҳаси учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларни махсус ва мутахассислик фанларини ўқитишда таълим жараёнини педогогик технологиялар асосида ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий (интегратцияланган)лигини таъминланган ҳолда ташкил этилиши ҳозирги кун талаби ҳисобланади. Чунки, замонавий мутахассис ҳар томонлама етук, ўз касбининг моҳир устаси, меҳнат бозорида рақобатбардош кадр бўлиб етишиши мутахассислик фанларини ўқитишда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширилиши билан белгиланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Тожибоева Д., Йўлдошев А. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси/Дарслик.- Т.: Ало?ачи, 2009.

2. Ходжабоев А., Хусанов И. Касб таълими методологияси/ Ўқув қўлланма.-Т., 2007.

3. Salam, M., Awang Iskandar, D.N., Ibrahim, D.H.A., Farooq, M.S. Technology integration in service-learning pedagogy: A holistic framework Volume 38, May 2019, Pages 257-273

# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ИЖТИМОИЙ ИНТЕЛЛЕКТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

***Ш.ДЖ.УСМАНОВА,***
*ТДТУ, "Педагогика ва психология" кафедраси,*
*псих.ф.н, доцент*

*Маколада ўқувчи-ёшларда мактаб таълимидан бошлаб касбий шаклланиши жараёнида ижтимоий интеллект ривожланиш динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўрганилиб, психологик-педагогик таҳили бераилган бўлиб, давлат ва жамият тараққиёти учун зарур бўлган, давр талабига мос, рақобатбардош, ижтимоий фаол ва юқори интеллектуал салохиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурлиги асослаб берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *интеллект, ақлий қобилиятлар, ижтимоий интеллект, интеллект динамикаси, ижтимоий фаоллик.*

*В статье изложены социально-психологические механизмы динамики развития социального интеллекта в процессе профессионального формирования учеников и студентов, разработан механизм, который оказывает психолого-педагогическую помощь, устраняет проблемы в профессиональном формировании, имеет систематизированный характер мероприятий.*

***Ключевые слова:*** *интеллект, умственная способность, социальный интеллект, психодиагностика и динамика интеллекта.*

*In a result intellect of students in psychology. It was reached in process researching social- psychological quality of dynamic's developing, main tenancies organization, ways, forms, methods, and also were elaborated the oretical approaches, directed at solving problem, scientific hypothesizes, conceptions, elaborated scientific- methodical recommendations. These approaches can be used on planning work sections and youthful organizations, at determining contents of textbooks, educational- methodical work of higher educational institutions.*

***Key words:*** *intellect, sensible skills, social intellect, psycho diagnosis, intellects dynamics*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан қабул қилинган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг тўртинчи йўналишида «...техник таълимни юксалтириш ва соҳани юксак малакали кадрлар билан таъминлашни кучайтириш» вазифаси қўйилган. Шахснинг эркинлиги ва унинг интеллектуал салоҳиятли бўлиши ғояси ушбу вазифанинг бажарилишидаги асосийларидан бири ҳисобланади.

Зотан, эркин шахс, эркин халқ, яратувчанлик, фаровонлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик ишларига, илму-фанда, маданиятда ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнида фаол ҳаракат қилишга ҳамда кўзланган мақсадларга эришишга қодирдир. [1]

Ҳозирги даврда жамият тараққиётида юз бераётган кескин ўзгаришлар сифат жиҳатидан янги ва нисбатан мураккаб бўлган вазифаларни қўяди, бунда шахс интеллектининг ривожланиш даражаси, унинг ақлий имкониятлари регулятори, ахлоқий жиҳатлар алоҳида аҳамият касб этади. Хўш, ушбу хусусиятлар ўқувчили-ўспиринларда қай тарзда намоён бўлади ва таркиб топади?

Бу даврининг асосий ҳусусиятларидан бири - ижтимоий етукликнинг жадал суръатлар билан рўёбга чиқишидир. Бундай етуклик шахсдан зарур ақлий қобилиятни, ҳаёт ва фаолиятда бажариладиган турли ролларни эгаллашни талаб қилади. Айниқса, ақлий етуклик (камолот) муҳим аҳамият касб этади. Ўспириннинг дарсларга ўз вақтида қатнашиши, берилган вазифаларни бажариши, интеллект ривожи динамикасига негиз бўла олмайди, бу эса ақлий тараққиётни диагностика қилиш учун етарли эмасдир.

Ёшларнинг ижтимоий интеллекти табиатини тадқиқ этиш, илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш бугунги кун талаби бўлиб, баркамол авлод тарбиясида, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ва касбий шаклланишида ижтимоий интеллектни аниқлаш усулларини чуқур ўрганиш ва динамикасининг хусусиятларини таҳлил этиш муҳимдир.

Биз тадқиқот объекти сифатида олий таълимнинг босқичларида касбий шаклланишдаги талабаларни (жами респеондент 480та) ажратиб олган эдик. Буларнинг 240 таси Гулистон давлат университетининг Педагогика ва Физитка-математика факультети талабалари ва 240 таси Ўзбекистон миллий университети Ижтимоий гуманитар фанлар факультнти талабалари эдилар. Талабаларнинг ақлий қобилиятини аниқлашда Дж.Ровеннинг “Прогрессив матрицалари” тести қўлланилган; талабаларнинг V фактор билан боғлиқ сўзлар билан ишлаш имконияти “Мақолларни таъбирлаш ” тести, N сонлар билан ишлай олиш фактори «Сонлар қатори» ва “Сонларнинг мантиқий қатори”, “математик интеллект” тестлари, амалий ва мотор фаолият билан боғлиқ “амалий интеллектни” ва фазовий идрок билан боғлиқ “визуал интеллект” тестларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Ж.Гилфорд ва М.Салливенанинг “Умумий интеллектнинг диагностикаси” методикасидан фойдаланил-

ган. В.В.Бойконинг “Эмпатик қобилиятлар даражаси диагностикаси” методикаси қўлланилган.[5]

Натижалардан маълум бўлишича, ижтимоий интеллект кўрсаткичлари билан бошқа интеллект кўрсаткичлари орасидаги муносабатлар анча ижобий ўсишда.

Бундан кўринадики, талабаларнинг умумий интеллектига нисбатан ижтимоий интеллектидаги ўсиш аломатлари яққолроқ. Унинг мезонлари орасида ҳам нисбий бўлса-да, ўзаро боғланишлар мавжуд.[6]

Ижтимоий интеллект мустақил ҳодисами? Ижтимоий интеллектнинг функциялари нималардан иборат? Бу саволларгажавоб беришда қуйидаги жихатларга эътибор қаратиш лозим бўлади: ўзгарувчан шароитларда адекватликни ва мослашувчанликни таминлаши; тактик ва стратегик йўналишларда ўзаро муваффақиятли мутаносиблик дастурлари ва режаларини шаклланиши , жорий масалаларни ҳал қилиш; шахслараро муносабатлардаги воқеаларни режалаштириш ва уларни ривожланишини прогноз қилиш; мотивацион функция; ижтимоий рақобатбардошликни кенгайтириш (ИР); ўз-ўзини шаклантириш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига сабоқ бериш.

Ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаларидан бири узоқ муддатли ўзаро муносабатларни шакллантиришдир. Ўзаро муносабатларнинг даражаси ва характерини тушунган ҳолда келажакда бир-бирига ижобий таъсир ўтказиш ва муносабатларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ижтимоий интеллектнинг фавқулотда юз берадиган инқирозлар, узоқ чўзиладиган стресслар, ўз-ўзига бўлган хурматни тушуниб етиши холатларида ёрдам берувчи мобилизацион функцияси жуда муҳим ҳисобланади.

Маҳаллий методик қўлланмаларнинг камлиги сабабли ижтимоий интеллект кам миқдордаги махсус тадқиқотларнинг предмети бўлган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий интеллектнинг ёшга қараб ўсиб боришини кузатишимиз мумкин, жумладан, биринчи босқичларнинг ижтимоий интеллектини ўрганиш методикалари бўйича кўрсаткичларида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш мезони билан вербал экспрессияни тушуниши ҳамда шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш омиллари ўртасида корреляцион муносабат кузатилган. Бу ҳолат 1-босқич талабаларида “Мен” концепцияси ва “Мен” тимсоли яхши шаклланганлигини кўрсатади. Улар ижтимоий интеллекти ривожланишида учрайдиган камчилик хулқ-

атворни тушуниш қобилиятларини яхши шакллантирмаганликларидадир. Иккинчи босқичларнинг ижтимоий интеллект кўрсаткичлари муносабатлари таҳлилида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш ўз ўрнида яхши ривожланганлиги новербал хулқатворни тушуниш, вербал экспрессияларни тушунишга олиб келган.

Учинчи босқичларда мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятлари тушуниш омили ва шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш омиллари бир-бирини тақозо қилади ва корреляцион алоқа мавжуд. Новербал ва вербал экспрессияни тушуниш лаёқати кузатилган.

Тўртинчи босқич талабалари эса ўзларининг яхши натижаларини намоён қилганлар. Умумий натижаларда жуда кўп корреляцион муносабатлар кузатилган.

Ушбу натижалар дарс машғулотларида иннавацион таълим технологиялари элэментларидан фойдаланилганда, уларга интерфаол таълим усулларини жорий этиш таълим жараёнида билимларни ўзлаштиришидаги касбий шаклланишига ижобий таъсир кўрсата олган. Инновацион ёндашув жараёнида билим талабаларнинг ўз ижтимоий тартиблари асосида пайдо бўлади ва хулқ-атвор шаклини ҳам ўзгаришига таъсир қилади. Айниқса таълимни муаммоли ташкил этиш талаба ўқув фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараённи янада мувоффақятлироқ чиқиши учун психологик асосга эътиборни қаратиш керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда қуйидагича хулосага келиш мумкин: Ёшларнинг ижтимоий интеллекти табиатини тадқиқ этиш, илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш бугунги кун талаби бўлиб, баркамол авлод тарбиясида, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ва касбий шаклланишида ижтимоий интеллектни аниқлаш усулларини чуқур ўрганиш ва динамикасининг хусусиятларини таҳлил этиш муҳимдир. Ёшларнинг шахслараро муносабатларида интеллектуал қобилиятлари бирлигида ижтимоий муҳитни, суҳбатдошларни хатти-ҳаракатлари, шахсий фазилатларини, кечинмаларини баҳолаш имкониятлари қонуният жихатидан мустахкам боғлиқдир. Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикр ва ниятларини тушуниш қобилиятига эгалик ижтимоий интеллектнинг ўсишига ҳам, мураккаб мантиқий муносабатларни тушунишга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, тушунчаларнинг муҳим ва номуҳим жиҳатларини фарқлай олишни ахборотларни кўриш орқали қайта ишлаш имкониятларининг ўсишига олиб келиб, ёшларнинг касбий ва шахсий камолотида ўз -ўзини намоён этишида кўринади.

Иннавацион технологиялар асосида таълим жараёни ташкил этилганда билим эгаллашнинг бир қанча бир-бирига боғлиқ бўлган босқичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни талаба онгига етказиш, эсга олиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушуриш, сўзлаб бериш, ёзма ифодалаш каби ҳолатлар билиш, тушуниш даражаларини ифодалайди. Бу даражаларда билим олувчидан ижодий ёндашув талаб этилмайди. Ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида талабалар олган билимларини амалда татбиқ этиши, маълум натижаларни қўлга киритиши, тўлдириши, бойитиши, ўзгартириши, ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга бўлиши талаб этилади. Бу ўзлаштириш даражалари учун муаммоли ёндашув аҳамиятли ҳисобланади. Олий ўқув юртлари иннавацион технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Мазкур имкониятларни англай олиш педагогик фаолиятга нисбатан бир оз креатив технологик ёндашиш машғулотларнинг қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга талабалар томонидан ҳар бир мавзу бўйича билимларни пухта эгаллаши учун замин яратади. Дарҳақиқат, ўқув машғулотлари унинг доимий равишда бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Айни вақтда бундай ҳолатнинг олдини олишни энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига инновацион технологияларни изчил ва мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш заруратдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Айзенк Г.Ю. Проверьте свои интеллектуальные способности / Пер. с англ. 2-е изд. - Рига, 2002. - 176 с.

3. Ғозиев Э.Ғ. Талабаларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти.- Т.:Ўқитувчи, 1983.

4. Давлетшин М.Г., Ковалев А.Г., Крутецкий В.А. Қобилият ва унинг диагностикаси.- Т.:Ўқитувчи, 1979.

5. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления. Под ред А.М. Матюшкина. М., 1965.С.433-456.

6. Э.Ғозиев, Ш.Усманова. Интеллект психологияси.-Т.: Фан. 2004й 81-98б.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҲБАРЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

***Д.И.ХОДЖАКУЛОВА.***
*ТТЕСИ "Педагогика ва жисмоний маданият" кафедраси мудири п.ф.н. доц.*

*Мазкур мақолада раҳбар ходимларнинг психологияси, узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия жараёнининг бошқаришда раҳбар ходимнинг психологик хусусиятлари ва қобилиятлари кенг ёритилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** раҳбар психологияси, бошқарув фаолияти, таълим- тарбия жараёни, педагогик бошқарув, инсонларни бошқариш маҳорати, раҳбар мулоқати.*

*В данной статье изложены психологические особенности управленческого персонала при управлении учебно-воспитательным процессом в области психологии и непрерывного образования.*

***Ключевые слова**: психология управления, управленческая деятельность, учебно-воспитательный процесс, педагогический менеджмент, управленческие навыки, лидерские качества.*

*This article outlines the psychological characteristics of management personnel in the management of the educational process in the field of psychology and continuing education.*

***Key words:** management psychology, management activities, educational process, pedagogical management, management skills, leadership skills.*

Сўнгги йилларда инсон омилига эътиборни ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига қизиқиш кучайди. Бошқарув психологиясида шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганган ҳолда итоаткор ходимлар яъни бўйсўнувчилар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар чиқариш учун психологик ҳолат ва жараёнларни ўзида тарбиялаш лозимлиги ва шу билан биргаликда ечими кутилаётган муҳим масалаларни ечимини топишда психологик ёндошувларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Раҳбар шахси, унинг муваффақиятли бошқарув фаолияти учун хос ва зурур хислатлар, бошқарув жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, раҳбарнинг фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши жуда муҳим. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун

раҳбарга қўйиладиган талаблар, уларни бажаришга мойиллик ва бошқарув фаолиятини тўлақонли амалга ошириш кўзда тутилади. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида раҳбар кадрлардан дунё билан боғланиш, раҳбарлик фаолиятини умумжаҳон меъёрлар билан уй-ғунликда олиб бориш, унга тадбиркорлик ва ижодийлик билан ёндошиш талаб этилмоқда. Ислоҳатларни амалга оширишда раҳбар кадрларнинг халқнинг маънавияти ва ўтмиш маданий меросини билиш даражаси ва муносабатига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Раҳбар кадрларнинг фаолиятига халқнинг миллий қадриятларига асосланган ҳолда иш юритиш ва унинг маънавиятини юксалтириш борасида барча имкониятларни яратиш устувор вазифа қилиб қўйилган. Раҳбар кадрлар давлат ва жамият бошқарувининг турли буғинларида, давлат ҳокимияти, марказий ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамият ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун яратилган шарт-шароитлар уларнинг фаолиятида кенг йўл очиб берди. Шахслараро етакчилик қобилиятлари билан боғлиқ ҳолатлар самарадорликнинг асосий омили, айниқса итоат этувчи ходимлар орасида ишончни мустаҳкамлашдир.

Бугунги кунда раҳбарнинг касб маҳорати ва ташкилотчилик қобилиятлари, унинг зиммасига юкланган маъмурий, ташкилотчилик, тарбиявий вазифалари муваффақиятли адо этиши учун қуйидаги вазифаларга эга бўлиши лозим:

– батартиблик, ҳалоллик,ўзгаларнинг ҳис-туйғусига нисбатан сезгирлик,ўз қиссиётларини чеклашга қодирлик;

– касбий омилкорлик, ишчанлик қобилияти;

– иродавий сифатлар, одамларни ўз ғайрати ва ишончи билан эриштира олиш

– ташкилотчилик ишига мойиллик, менежмент, мустақиллик менежмент асосларини эгаллаш лаёқати, давлат хизматида иш одоби хусусиятларини билиш;

– билимларни узлуксиз такомиллаштиришга интилиш, мураккаб ва зиддиятли вазиятларда воқеликни стратегик таҳлил қилиш қобилияти;

– оммавий аҳамиятга молик бўлган қарорларни қабул қилишда дадиллик ва мустақиллик;

– энг “мураккаб” кишилар билан алоқага кириша билиш, улар билан ишлай олиш;

– қўлостидагиларга холис баҳо бера олиш , муносибларни раҳбатланиш;

– ташаббускорлик, энг яхши тажрибани ўзлаштиришга интилиш.

“ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш , ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашдир. Раҳбар кадрларнинг бутун бошқарув тизимида етакчи ўрин эгаллаши, бир томондан муассасадаги ислоҳатларни амалга оширишда масъулятни ўз бўйнига олиш зарурати, иккинчидан эса итоатдаги ходимларнинг раҳбарга бўлган ишонч ва умидлари билан асосланади. Аввало ҳар бир таълим муассасасида таълим-тарбия жараёни замонавий бошқарув тизими асосида ташкил этилиши лозим. Узлуксиз таълим жараёнида педагогик кадрлар билан ишлаш ва уларни бошқаришда ҳам “Бошқарув психологияси”нинг ўрни аҳамиятли. Инсон шахсининг таркиб топиши ва фаолиятини ҳамда мулоқат жараёнларини ривожланиш муаммосини инсон психикасини ривожланиш қонунларини ҳисобга олмай оқилона ҳал қилиб бўлмайди. Раҳбар “Бошқарув психологияси “ илмини чуқур ва пухта ўзлаштирган тақдирдагина таълим муассасасида таълим-тарбия, касб эгаллаш жараёнларини тўғри, одилона ташкил эта олади. Бу эса ёш авлодни ҳар томонлама камолатга эришган, етук мутахассис этиб тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ҳозирги даврда маънавий бошқарув ғоят катта аҳамиятга эга. Бу шаклдаги бошқариш умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълим органлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни, фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади.

Педагогик бошқарувга ходимларнинг малакаси, қобилияти, қизиқишларни ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қўлланилаётган усуллар тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим тарбия, жараёнига техника воситаларини жорий этиш масалалари киради. Таълимда бошқариш бу – бошқарувчининг – ўқитувчининг мавжуд

имкониятлари (фан юзасидан мавжуд билимлари, эгаллаган турли ўқитиш услублари, ўқув восита ва қуроллари, педагогик маҳорати) асосида талаба – ўқувчида керакли (зарур бўлган) билим, кўникма ва малакаларни қўйилган мақсадга мос шакллантириш жараёнидир.

Албатта таълимни бошқаришни турли йўллар билан амалга ошириш мумкин. Айниқса ҳозирги пайтда таълим – тарбия жараёнини бошқаришга турли илғор педагогик технологиялар (ИПТ) қўлланилиб келинмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширилган бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI асрнинг эркин фикрли, ўз ватани ва халқини манфаатларига содиқатли ёрқин шахсларни вояга этказишда намоён бўлади. Таълим олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Кадрлар салоҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

– ақлий салоҳият: узлуксиз таълим доирасида орттирилган қобилиятни ўз ичига олади;

– ижтимоий салоҳият: самарали ижтимоийлашувни таъминлайдиган муло?отга киришиш қобилиятини ўз ичига олади;

– профессионал тажриба билан боғлиқ салоҳият: касб малакаси билан боғлиқ тажрибани умумлаштириш кўникмаларини ўз ичига олади;

– психологик-физиологик салоҳият.

Кадрлар салоҳияти- давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

*«Инсонларни бошқариш маҳорати»* – ходимларга муносабатда, ижодкор шахслардан таркиб топган самарали командани ташкил этиш учун, соғлом шахслараро ўзаро муносабатлар ёрдамида уюшган ва тўла ишонч муҳитини яратиш, бир қатор диагностика усулларини, ходимларни баҳолаш ва турли типдаги одамлар билан алоқага кириш, ҳамда турли характердаги инсонлар гуруҳлари билан муносабатда бўлиш, ахборот ва маълумотлар билан ишлаш, таҳлил қилиш, шахс ва жамоага таъсир ўтказиш, ишчан муносабатларни шакллантириш, сўровлар ўтказиш, суҳбатдошни тинглаш санъати, тўғри қарорлар қабул қилиш малакасини эгаллаш лозимлигини кўрасатади. Маълумки

бошқарувнинг асосини инсон билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими ташкил этади. Демак бошқарув жараёнининг самарадорлиги инсонларга сўз орқали таъсир этиш уқувига эгалиги, яъни тўғри мулоқатни ташкил этишдан иборатдир. Раҳбар фаолиятининг асосий қисмини мулоқат жараёни ташкил этади. Қабул қилинган қарорларни ижросини таъминлаш, ходимлар ва ташкилот фаолиятини ташкил этиш, назорат ва ходимлар фаолиятини рағбатлантириш жараёнлари Ҳам мулоқат орқали амалга ошади. Мулоқатни моҳирона олиб борувчи рағбарда ўз вазифаларини самарали тарзда ташкил этиш имконияти ошади. Ходимларга таъсир этиш, уларга ғайрат бағишлаш, ташкилот мақсади сари етаклаш каби ташкилий вазифалар ҳам малакали мулоқат орқали таъминланади.

Хулоса қилиб шуни айтамизки, раҳбар оддий шахс бўлмаслиги, айниқса мулоқат, ишонтириш, суҳбатлашиш санъатини эгаллаши, ўткир ўзига хос ақлга, ҳаёт ва билимнинг барча соҳаларида салмоқли тажрибага эга бўлиши зарур. Ҳар қандай раҳбар биринчи навбатда кишилар билан ишлайди ва у инсон тафаккурининг барча нозик жиҳатларини билиши ҳамда кенг ижтимоий инсонни ўрганишга оид билимларга эга бўлиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Махмудов И. Бошқарув психологияси «YUNAKS-PRINT» Тошкент-2005 й

2. Азизхўжаев А. Давлат хизмати персоналини бошққариш “Akadem-Xizmat” Тошкент-2002 й

3. Englefield, E., Black, S.A., Copsey, J.A., Knight, A.T. Interpersonal competencies define effective conservation leadership Volume 235, July 2019, Pages 18-26

# МЕТОДЫ АКТИВИЗАЦИИ ВОСПРИЯТИЯ УЧЕБНОГО МАТЕРИАЛА В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

***Н. С. ФАЙЗУЛЛАЕВА,***
*к.п.н. доцент кафедры*
*«Профессиональное образование (экономика)»*
*ТГЭУ Узбекистан*

*В статье рассматриваются проблемы внедрения инновационной педагогики, в частности, при преподавании дисциплин экономического цикла. Показаны различные формы основных методов активных средств обучения студентов в целях повышения качества образования, значение личностной и профессиональной компетенций преподавателя.*

***Ключевые слова:*** *инновационные методы обучения, интерактивное обучение, студенты, образование, знания, умения, навыки, виды лекций, компетентность, брифинг, деловая игра.*

*The article deals with the problem of implementation of innovative pedagogy, particularly teaching disciplines of the economic cycle. Presenting different forms of the basic methods of active means of teaching students in order to improve the quality of education, as well as the importance of personal and professional competence of the teacher.*

***Key words:*** *innovative methods of education, interactive education, students, education, knowledge, skills, competences, types of lectures, competence, briefing, business game.*

Современный этап обучения экономическим дисциплинам требует совместного создания знаний, совместного творчества преподавателя и студента. Открытая и теплая атмосфера обучения наряду с отношением к студентам скорее как к партнерам по образовательному процессу, позволяет студентам увидеть новые возможности приложения экономических знаний и ощутить себя значимыми и ответственными людьми.

Методика преподавания экономических дисциплин исследует совокупность взаимосвязанных средств, методов, форм обучения экономическим наукам. Что отличает данную методику? Это то, что обучение тесно связано с экономической жизнью государства, общества, каждого человека. Такие знания представляют собой знание экономических терминов, законов экономического развития, а также понимание механизмов работы рыночной экономики, экономических принципов и законов.

Так, интерес к изучению дисциплины во многом зависит от того, насколько эффективно пройдет первое занятие. При первой встрече со студентами целесообразно организовать знакомство в форме тренинга, затем в игро-

вой форме стоит повторить курс общей экономической теории, на котором базируется дисциплина «Прикладная экономика». После этого можно переходить к введению в изучаемый курс: в ходе беседы показать теоретическую и практическую значимость дисциплины для будущей профессиональной деятельности. В конце первого занятия, учитывая положения личностно ориентированного подхода при отборе содержания обучения, следует провести работу в микрогруппах (2–4 чел.).

На сегодняшний день от преподавателей экономических дисциплин требуется целенаправленное использование активных и интерактивных методов обучения, тестовых заданий, приемов проблемного обучения и т. д., чтобы через активную познавательную деятельность студенты анализировали и постигали противоречивые процессы рыночных преобразований. При этом под активными методами понимаются такие методы обучения, применение которых объективно невозможно без высокого уровня внешней и внутренней активности студентов. Интерактивные методы, в свою очередь, – это методы, в результате применения которых обучающиеся находятся во взаимодействии друг с другом в режиме беседы, диалога. В отличие от активных методов интерактивные ориентированы на более широкое взаимодействие студентов не только с педагогом, но и друг с другом.

Особенностью методики преподавания экономических дисциплин является также широкое привлечение данных статистики, фактов и цифр, позволяющих раскрыть не только отдельные стороны экономических процессов и явлений, но и выработать для обучающихся правила поведения в условиях рыночной экономики. Представленные факты должны быть проверены, доказуемы, но при этом они могут вызвать сомнения у студентов, что позволит использовать проблемные методы обучения, такие как мозговой штурм, круглый стол, дискуссии и т. д.

Интерес к изучению экономической дисциплины стимулируют и эвристические беседы, в процессе которых преподаватель путем постановки перед студентами определенных вопросов и совместных логических рассуждений подводит обучающихся к определенным выводам, составляющим сущность рассматриваемых явлений, процессов, правил и т.п. Так, изучая тему «Качество и конкурентоспособность товара» можно провести эвристическую беседу «Качество важнее цены?», в ходе проведения которой преподаватель должен выступать в роли модератора процесса общения. Как показывает практический опыт, в процессе экономического образования для студентов весьма интересно выполнять различные творческие задания.

Следует обратить внимание на использование приема «наращивания» по-

нятия, углубления содержательного компонента понятия. Немаловажен в методике изложения категорий прием сопоставления, когда одно и то же явление анализируется в разных общественных условиях, на разных этапах развития общества. Например, при изложении той или иной проблемы в конкретной экономической дисциплине можно предложить разные определения категорий.

Поскольку в рамках изучения экономических дисциплин много сложного теоретического материала, для облегчения их изучения можно воспользоваться методом позиционирования. Для этого студенты разделяются на 4 группы: понятия, схемы, вопросы, тесты. Каждой группе выдается лекционный материал, который необходимо изучить, а затем переработать в соответствии с занимаемой позицией. После выполнения данного задания группа выступает перед аудиторией с полученными результатами.

Главной отличительной чертой интерактивных методов в образовании является то, что студенты проявляют инициативу в учебном процессе, которую стимулирует педагог с позиции партнера, помощника, координатора, наставника, коуча. Процесс и результат получения знаний приобретает личную значимость для каждого студента, что позволяет развить способности самостоятельного решения овладения информацией по дисциплине.

Эффективное проведение учебных методов подобного типа зависит от того, насколько студенты заинтересованы в обсуждаемой теме, и от их общей готовности выступать. Интерес к теме пробуждается предварительными вопросами преподавателя, поставленными в необычной форме или нестандартным образом, что стимулирует студентов к более глубокому и всестороннему взгляду на рассматриваемую проблему. Когда постановка вопроса захватывает студентов, они готовы самостоятельно штудировать многочисленные учебники, учебные пособия, выискивать информацию в Интернете, СМИ, академических журналах по экономике. Например, словосочетание «предмет роскоши» у экономистов считается профессиональным термином, им обозначаются продукты, которые люди, становясь богаче, покупают во все большем количестве, — скажем, речь идет о спортивных автомобилях и коллекционных винах. Забота об окружающей среде также считается предметом роскоши, хоть это и менее очевидно. Состоятельные люди готовы тратить на защиту экологии большую долю своих доходов, чем менее богатые. Такое же соотношение мы видим и в мировом масштабе: богатые страны выделяют на охрану окружающей среды больше ресурсов, чем бедные. Объясняется это довольно просто: судьба бенгальских тигров заботит их потому, что у них есть возможность заботиться о них. Ведь у них уже есть хорошие дома, прибыльная работа, чистая вода.

В связи с этим встает проблемный вопрос: а справедливо ли, что люди,

живущие комфортно, навязывают свои предпочтения менее обеспеченным людям? Экономисты утверждают, что это несправедливо, хотя в действительности мы поступаем так постоянно.

Подготовка студентов-экономистов осуществляется структурно довольно-таки сложно. Во-первых, студентам даются знания по общим экономическим дисциплинам. Во-вторых, студенты получают развернутые прикладные знания и практические навыки. Это все скомпоновано в учебных планах как по специальности «Макроэкономика», так и по специальности «Экономическая теория». В процессе обучения есть ряд сквозных видов работ, которые выполняют все студенты, выбирая различные темы (до написания студентами дипломной работы). К таким работам относятся курсовые работы, различные виды самостоятельной работы, которые обязательно выполняются на четырех учебных курсах.

Самостоятельная работа способствует дальнейшему углублению знаний студентов, развивает их практические навыки, которые они уже получили на предыдущих курсах университета. Именно самостоятельная работа предназначена для дальнейшего углубления и расширения компетентности студентов, в то время как дипломная работа отражает полученную компетентность. Известно, что термин «компетентность» имеет различный смысл. Нередко этот термин в литературе употребляется наряду со смежными понятиями «профессионализм», «квалификация» (слово произошло от лат «соответствую», «подхожу»). Самостоятельная работа входит в систему методических форм, которые эту компетентность формируют. Формирование и углубление такой компетенции в самостоятельной работе осуществляется как дополнительное развертывание содержания экономического образования. При этом развиваются и профессиональные навыки.

Мыслить как экономист значит объединять дедуктивные цепочки с упрощенными моделями, такими, например, как модель спроса и предложения; это значит искать и находить компромиссы в контексте ограничений; это значит оценивать затраты на один вариант выбора с учетом упущенных выгод альтернативного варианта. Это также предполагает наличие четкой цели относительно эффективности, которая формулируется так: извлечь максимальную выгоду из ограниченных ресурсов. Это требует подхода на основе предельной полезности или поэтапных решений. Экономист задается вопросом, сколько дополнительных выгод можно извлечь за счет определенных дополнительных расходов.

На основе опыта преподавания можно сделать следующие выводы: Основой качественного образования должны стать такие методы препода-

вания, которые развивают у студентов критическое мышление и способность к саморазвитию. К выбору таких методов надо подходить дифференцированно. Инновационные методы работы со студентами разрабатывает и применяет преподаватель, поэтому преподаватель должен обладать необходимой методологической и личностной компетенциями. Успех применения любого инновационного метода зависит от содержательной, методологической и организационной подготовки занятия. Для преподавателя важно повышать свою квалификацию, любить свою работу, тогда и будет обратная связь от студента.

**Литература:**

1. Евплова Е.В. Как сделать преподавание экономики интересным (на примере изучения дисциплины «Прикладная экономика»)? / Е.В. Евплова / / Экономика образования. – 2012. –№ 2. – С. 99–105.

2. Скакун В.А. Основы педагогического мастерства : учеб. пособие / В.А. Скакун. – М.: Форус: Инфра-М, 2008. – 208с.

3. Методика преподавания экономики: опыт и проблемы. Сб. методич. статей. Вып. 1 / Под ред. Доцента Е.В. Огурцовой. - Саратов: Издательский центр «Наука», 2010. – 72 с.

# РАЗВИТИЕ СТУДЕНТА НА ОСНОВЕ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ – ГЛАВНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА ВУЗА

***С.ПИРМАТОВ,***
*доцент НИХД имени К.Бехзода*

*Мақолада замонавий шароитида талабаларнинг ривожлантиришига оид масалалар ёритилган.*
***Таянч сўз ва иборалар:*** *талаба, ўқитувчи, олий таълим муассасаси, таълим, шахсга йўналтирилган ёндашув, сифат.*

*Статья посвящена вопросам, связанным с развитием студентов в современных условиях.*
***Ключевые слова:*** *студент, преподаватель, вуз, образование, личностно-ориентированный подход, качество.*

*The article is devoted to issues related to the development of students in modern conditions.*
***Key words:*** *student, teacher, university, education, personality-oriented approach, quality.*

Узбекистан целенаправленно вкладывает огромные средства в сферу образования и науку. Это капитал, создающий прочный фундамент для развития учащейся молодежи нашей республики. В республике созданы все условия для подготовки востребованных специалистов, внедряются современные формы и технологии обучения, что позволит обеспечить соответствие рынка труда и рынка образовательных услуг, добиться того, чтобы вузы стали центрами обмена мнениями по инновационным и технологическим идеям [1].

Стратегическим направлением реализации новых образовательных программ выдвигается сегодня личностно-ориентированный подход к обучению и воспитанию. Это образование, в котором личность студента находится в центре внимания педагога, а сама деятельность учения понимается как познавательная деятельность, а не трансляция преподавателем готовых знаний. Это достигается в тесном союзе «устоз-шогирд» («учитель-ученик»). Именно такой запрограммирована система образования в независимой Республике Узбекистан с учетом аналогичного опыта в лидирующих странах мира.

Становление личностно-ориентированного образования обусловлено социально-экономическими изменениями в нашем обществе и развитием рыночных отношений. Вопросам личностно-ориентированного образования особое внимание стали уделять в середине 90-х годов прошлого века. Оно

основывается на методологическом принципе, согласно которому обучаемый должен стать и объектом, и субъектом обучения. Это значит, надо учитывать, прежде всего, потребности, мотивы, цели, способности, активность, интеллект и другие индивидуально-психологические особенности студентов.

*Личностно ориентированное образование основывается на следующих принципах:* признается приоритет индивидуальности, самоценности обучаемого, который изначально является субъектом профессионального процесса; технологии образования на всех его ступенях соотносятся с закономерностями профессионального становления личности; содержание образования определяется уровнем развития современных социальных, информационных, производственных технологий и будущей профессиональной деятельности; образование имеет опережающий характер, что обеспечивается формированием социально-профессиональной компетентности и развитием экстрафункциональных качеств будущего специалиста в процессе учебно-профессиональной, квазипрофессиональной, производственной деятельности; действенность профессионально-образовательного процесса определяется организацией учебно-пространственной среды; личностно ориентированное профессиональное образование максимально обращено к индивидуальному опыту обучаемого, его потребности в самоорганизации, самоопределении и саморазвитии [2].

*Критериями эффективной организации образования выступают* параметры личностного развития, оценка которого осуществляется в процессе мониторинга профессионального становления личности.

*В основе личностно-ориентированного обучения и воспитания лежат инновационные педагогические технологии, ключевыми признаками которых являются:* преимущественно продуктивная (а не репродуктивная) деятельность студентов; педагогика сотрудничества; самостоятельная индивидуальная и групповая работа студентов; интеграция учебных дисциплин; глобальное мышление и видение мира.

В условиях личностно-ориентированного обучения и воспитания преподаватель приобретает иную роль в учебно-воспитательном процессе, чем при традиционной системе обучения. При такой парадигме образования преподаватель выступает больше в роли организатора самостоятельной, активной познавательной и творческой деятельности студентов, компетентным консультантом и помощником. Его профессиональные умения должны быть направлены не просто на контроль знаний и умений студентов, а на диагностику их деятельности, чтобы вовремя помочь квалифицированными действиями устранить намечающиеся трудности в познании и применении знаний. Эта роль значительно сложнее, чем при традиционном обучении, и требует от педагога более высокого уровня профессионального мастерства.

Взаимодействие преподавателя и студента рассматривается сегодня не только в системе «устоз-шогирд», но и имеет выход в реальную жизнь, на ис-

пользование психологических и творческих резервов личности при решении учебно-воспитательных проблем и выборе жизненных позиций обучающегося. Данный вывод усиливает новое качество взаимоотношений «преподаватель-студент», где последний играет весьма значимую роль в учебном процессе, а именно роль субъекта деятельности.

Личностно-ориентированное обучение и воспитание предусматривает дифференцированный подход к обучению с учетом уровня интеллектуального развития студента, его способностей и задатков, уровня его подготовки по учебным дисциплинам, в том числе и по компьютерной графике.

Становление личностно ориентированного образования позволит также обеспечить профессиональную самореализацию студента и поддержку его дальнейшего творческого роста. Кроме технологической подготовки специалиста, существенным фактором развития образования становится формирование таких качеств личности, как способность принимать ответственные решения, творческий подход к любому делу, умение постоянно учиться, коммуникабельность, способность к сотрудничеству, социальная и профессиональная ответственность и т.д. Акцент на профессиональном развитии личности обусловливает опережающий характер профессионального образования. Личностно ориентированное образование становится важным условием развития профессионального образования, поскольку названный процесс воспитания развивает духовную жизнь молодежи, способствует творческой самореализации, возможности состояться личности; помогает индивидуальному развитию студента; стимулирует саморазвитие, самовоспитание; способствует активности личности, формированию ее субъектных свойств (независимости, самостоятельности и др.). Значит, парадигма личностно-ориентированного подхода к обучению и воспитанию в образовательных учреждениях Узбекистана наиболее полно отвечает современным педагогическим целям, а именно: формированию целостной системы универсальных знаний, умений и навыков, в том числе навыков использования информационно-компьютерных технологий, опыта самостоятельной деятельности и ответственности студентов, культуры, инициативности, способности к успешной социализации в обществе, что и является ключевыми компетенциями, определяющими современное качество учебно-воспитательного процесса вуза.

**Литература:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования // Учитель Узбекистана. – Т., 2019. № 28 (2579). – 12 июля. – С. 1-2.

2. Гершунский Б.С. Философия образования для XXI века. – М., 1998. – 697 с.

*Журналнинг ушбу сонини тайёрлашда қатнашганлар: Л.М.Қорахонова, С. Пирматов.*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 03.01.2007 йилда № 0101 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган.*

*«Узлуксиз таълим» журнали Ўзбекистон Республикаси ОАК раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан педагогика ва психология фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.*

*Журналга 1,5 интервалда 7-8 бет ҳажмдаги материал Times New Roman шрифтида электрон версияси билан бирга қабул қилинади.*

Босишга рухсат этилди: 8.08.2019 й. Қоғоз бичими 60x84$^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида босилди. 8 босма табоқ.
Адади нусха. Буюртма

**“ADAD PLYUS” МЧЖ матбаа корхонаси.**
**Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй**